



Қирққокил қизлар қани?

4-бет

Ishonch

2008-yil

9-oktabr

№124

(2537)

payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ракурс

Қачон дунёқарашимиз ўзгаради?

Йўлда кетаётиб бир ҳолат эътиборимни тортди. Йигирма беш-ўттиз ёшлардаги йигит автобусдан туша солиб кўлидаги чиптасини оёқ остига ташлади. Бу билан уни айбдор қилмоқчи эмасман. Чунки бекатда шусиз ҳам сигарет қолдиқлари, бир марталик чипталар, семичка пўчоқлари сочилиб ётарди.

Бу кўзни қувнатадиган манзара эмас. Айримларнинг фаросатсизлиги, бир-бирига хурматсизлиги, энг камида лоқайдлигининг натижаси бу.

Тарбия кўрган инсон чиптани ишлатилган бўлса ҳам оёқ остига ташлаб кетмайди. Фаррошнинг меҳнатини хурмат қилган киши кўчага пўчоқ ташламайди. Шаҳримизнинг озодалигига бефарқ бўлмаган одам уни ифлослантираётганларга танбеҳ беради.

Афсуски, кўча-кўйда кўпинча бунинг аксига гувоҳ бўламиз. Шундай экан, йилига икки-уч марта умумхалқ ҳашари ўтказилиб, «теварак-атроф ободонлаштирилаётганига» ҳайрон бўлмаслик керак.

Қачон дунёқарашимиз ўзгаради?

Дарвоқе, у ўзгариб борапти. Буни тиқилинч автобусга чиқиб кўрганлар билади. Менимча, ҳеч қайси ота-она мактабда, институтда ўқийдиган боласига автобусда бўш жой бўлса ўтириб ол-да, ташқарини томоша қилиб кет ёки кўзингни юмиб ол, ўзингдан катталарга жой берма деб ўргатмаса керак. Аммо негадир ёшларимиз орасида айнан шундай қиладиганлар йил сайин кўпаймоқда. Бунга глобаллашиш натижаси деб қарайдиган бўлсак, бизга бундай глобаллашувнинг кераги йўқ. Тараққиётнинг ўзимизга мос жиҳатларини қабул қилайлик. Тўғри келмаганларини мослаштирайлик.

Ўзбекларнинг дунёдаги ҳеч бир халқдан кам жойи йўқ. Юриш-туришимизда, муоламаизда, ишимизда бирон-бир нуқсон бўлса, айбни ўзимиздан қидиришимиз керак.

Ҳасан ҚАРВОНЛИ



Йигитлар хизматга йўл олди



Президентимизнинг шу йил 27 августда қабул қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига асосан Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.


Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Анонс



Одамнинг нархи қанча?!.

2-3-БЕТЛАР



Умр заволи

4-БЕТ



Зорге ҳақидаги уйдирма ва ҳақиқат

13-БЕТ

БОШЛАНМА

ёхуд кимўзарми, ўзўзар?

Шу даврга қадар одамзот босиб ўтган тараққий таназзулнинг сабабу мақсади, катализатори ва натижаси «мен»га бориб тақалади. Агар «мен» (худбинлик, инкор, ўзини устун қўйиш) бўлмаганида эди, хали ҳам тошқурол кўтариб, архар овлаб юрган бўлармиким, ким билсин. Қизиғи, одамлар дастлаб бир хил туғилдилару, аммо кейинчалик уларнинг бири иккинчисига ўз иродасини топшириб қўяди негадир. Оқибатда эса кимнингдир ҳаётини кимдир ҳал этиб қўя қолади. Француз маърифатпарвари Волтер «Ижтимоий адолат — ҳам табиий, ҳам ҳаёлий ғоя. Бизнинг шўрпешона сайёрамизда жамоа-жамоа бўлиб яшовчи одамлар учун буйруқ берувчи бадавлатлар ва уларга хизмат қилувчи камбағаллардан иборат иккита синфга бўлинишдан ўзга чора йўқ» деганида беш бармоқ нотенглигини назарда тутган бўлса керакки, шу пайтга довуз ҳеч қайси замон ва маконда одамларнинг тенг яшаганлари кузатилган эмас (агар диний тасаввурларга таянсақ, ҳатто у дунёда ҳам кишилар бир хил бўлишмайди). Одамиятнинг шу лаҳзага қадар босиб ўтган йўли эса телбавор пойгани эслатади. Ваҳоланки, бани башар моҳиятини кимдандир эмас, балки ўзидан ўзиш белгилайди.

МОҒОР БОСГАН ЭХТИЁЖ

Тамаддун намунаси сифатида тан олинган XXI асрга трансмиллий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури — *халқаро терроризм, наркобизнес ва одам савдоси* «мерос» бўлиб ўтди. БМТ маълумотларига таянсақ, сайёрамизда биргина аёллар савдосининг қўлами йилига 12 млрд. долларга баҳоланади. Халқаро мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар йили одам савдогарлари қўлига 2 миллионга яқин киши тушади. Жабранувчиларнинг асосий қисмини эса жинсий эксплуатация мақсадида чет элга олиб чиқилаётган аёллар ташкил қилади. Одам савдосини тўхтатиш ва олдини олиш тўғрисида БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги конвенциясини тўлдирувчи протоколда «замонавий қуллик» тушунчаси уч асосий белгидан иборатлиги кўрсатиб ўтилган. Биринчидан, *одам зўравонлик билан (ҳужжатлари олиб кўйилган ҳолда) ушлаб турилади*; иккинчидан, *тутқун ўз иродасига қарши мажбурий меҳнат билан шуғулланади ва вазиятни ўз хоҳишига қўра ўзгартира олмайди*; учинчидан, *у ўз ишига арзимас ҳақ олади ёки ҳақини умуман олмайди*. «Замонавий қуллик» қотиллик, одам ўғирлаш, чегарадан ноқонуний тарзда ўтиш, ҳужжатларни қалбақлаштириш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу тушунчаларнинг соддароқ фарқи одам савдосини ташкил этувчи қўлидаги асосий ҳолатлар билан кўрсатилди: *алдовнинг мавжудлиги, зўравонлик ёки қучни суистеъмол қилиш ва қарз оқибатида келиб чиқувчи қуллик*.

Одам савдоси инсоният цивилизациясига, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф солмоқда. Шу сабабли уюшган жиноятчилик, хусусан, халқаро терроризм, наркобизнес, курол-яроғларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши кураш муаммоси бугун жаҳон афкор оммаси учун долзарб аҳамиятга эга бўлиб турибди.

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу жиноят кеча ё бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Одамда ўз қавмдошидан товар сифатида фойдаланиш эҳтиёжи барча замонда ва маконда турли шаклларда яшаб келган. Фуқароларни тенглаштиришга уринилган ҳар қандай тузумда ҳам кишилардаги мазкур моғор босган эҳтиёж барҳам топган эмас. Бугун клубларнинг спортчиларни олди-сотди қилиши (буни трансфер дейишади) бунга мисол бўла олади. Аммо ўшатишимизнинг ўхшамайдиган жиҳати шундаки, шартнома спортчининг манфаатига ҳам хизмат қилади: у хоҳлаган вақти компенсация пулини тўлаб, шартномани бекор қилиши мумкин. «Замонавий қуллар»да эса бундай ҳуқуқ йўқ:

улар эксплуатация қилувчининг ҳамма айтганларини бажаришга мажбур. Нима бўлган тақдирда ҳам одам қадр, шаъни ва ори ҳамма нарсадан устун туради. Зотан, кишилар ҳаммаша бир-бирларининг кўзларини чўқиши эмас, балки бир бутун ИНСОҲ сифатида ўз-ўз(лар)ини тўлдириб бориш(лар)и лозим.

ОДАМ ҚАДРИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА...

Кураш тўхтаган жойдан мағлубият бошланади. Бир одамнинг муаммога ҳеч бўлмаганда фикр билан қарши туриши бир қарашда жуда нофаол ва беҳуда кўринса-да, мана шу ожиз қаршилиқлар бирлашувдан энг мустаҳкам тўғон пайдо бўлади. Бирор муаммога қарши миллат ва давлатнинг курашга киришиши эса бу фожа кўламани англаш учун етарлидир.

Жорий йилнинг 18 мартида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 27 мартда сенаторлар маъқуллаган «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун 17 апрел куни Президентимиз томонидан имзоланди. 4 боб ва 17 моддадан иборат ушбу қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда *одам савдосига қарши курашиш, одам савдоси ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахс* тушунчалари қўлланган бўлиб, улар қонунчилигимизга атама сифатида ҳам киритилди. Бунга қўра, *одам савдоси дейилганда «қуч билан таҳдид қилиш ёки қуч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шакллари билан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, хоҳимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига олдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш»* англанади. Бу ўринда «*одамлардан фойдаланиш» дейилганда «бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаган одатлар, эркин ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиш олиш»* назарда тутилган бўлиб, «*мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибидан одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, ўз ҳаракатлари билан одам савдосига қўмақлашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига қўра тўқсинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўқсинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансаб-*

ОДАМНИНГ



дор шахс» одам савдоси билан шуғулланувчи шахс сифатида эътироф этилади. Шунингдек, *қонунийлик, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, мазкур жиноятдан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик ва ижтимоий ҳамкорлик* сингари принципларга асосланадиган одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиланди. Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлатнинг бошқа ташкилотлари ҳам мазкур трансмиллий жиноятга қарши курашиши мумкин. Бу ўринда *одам савдосига қарши курашиш дейилганда «одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият»* назарда тутилмоқдаки, бу фаолиятни мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ва унинг худудий бўлимлари тузилди. Август ойида эса барча вилоятларда идоралараро комиссия йигилиши ўтказилиб, унда ушбу комиссиянинг низоми ва иш режаси тасдиқланди. Шунингдек, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоса қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилди. Ва уларнинг асосий вазифалари сифатида одам савдосидан жабрланганларга қўлаб яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш; жабрдийдаларни озиқ-овқат, дори-дармон ва тиббий буюмлар билан таъминлаш; жабрланганларга шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш; жабрдийдаларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш; жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига қўмақлашиш; жабрдийдаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш; жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга қўмақла-

шиш белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, одам савдосига қарши курашиш бўйича мамлакатимизда ҳуқуқий асос яратилди. Аммо асосий масала шундаки, одам аввало ўзини ҳурмат қилмас экан, ҳар қандай кўриниш ва қўламдаги ҳаракат наф бермайди.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДАН ХАБАР БЕРИШЛАРИЧА...

Одам савдосига қарши курашиш борасида вазирлик миқёсида бир қатор ишлар қилинмоқда. Жорий йилнинг 7 июнида ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳрида «Одам савдосига қарши курашиш» мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Республика бўйича 33 нафар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари ва нуфузли давлат органлари вакиллари иштирок этган мазкур семинарда ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи ҳақида сўз борди.

Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, алдаш йўли билан чет давлатларга олиб бориб фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш, қул қилиб сотиб юбориш каби жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар «Истикболли авлод» ахборот-маърифат маркази билан ҳамкорликда «Алданиб қолманг!» мавзусида буклет ва плакатлар ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатилди.

Ҳозирги кунда асосий эътибор тунги кўнгилочар муассасаларда, меҳмонхоналарда, шунингдек, шохқўча ва хиёбонларда халқимизнинг миллий қадриятларига, мамлакатимизнинг келажига бўлган ёш авлоднинг тарбияси ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи ҳуқуқбу-

зарликларнинг олдини олишга қаратилмоқда. Жорий йилнинг август ойига қадар биргина Тошкент шаҳрида профилактика хизмати ходимлари ўтказган тадбирларда ҳуқуқбузарлик содир этган 4735 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённома тўлдирилиб, тегишли идораларга қонунда белгиланган тартибда чора кўриш учун юборилди. Эътиборлиси, уларнинг 897 нафари енгилтабиат аёллар эканлиги аниқланган. Хусусан, жорий йилнинг 26 март куни ИИБ ҚОББ томонидан ўтказилган тезкор тадбирда яна бир жиноий гуруҳ кирдикорлари фож этилди. Гуруҳ раҳбари И.Юсупов шериклари Ф.Қосимов ва Г.Ахметова билан тил бириктириб, фуқароларимизни алдаш йўли билан Қозоғистонга олиб чиқиб кетган. Сўнгра, уларнинг ҳар бирини Қозоғистон фуқаролари Азиза ва Эркин исмли шахсларга 30 минг тенгега пуллаб, у ерда уларни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилаётганлиги аниқланган. И.Юсупов шериги Ф.Қосимов билан бирга бир неча қиз (Раъно, Мавжуда, Феруза, Олеса, Зулфия)ни алдаб, ўз домига илтиради. И.Юсупов улар билан учрашганда «Қизлар, Келесда ўрдақ гўштидан зўр оқат қиладиган ресторан бор, бориб бир маза қилиб келмайми?» дея айёрлик билан қизларнинг ишончига қиради. Қизлар рози бўлган, икки ҳамтовоқ уларни олиб кетади. Режа бўйича Г.Ахметова ресторанда жой ҳозирлаб, шериклари ва «ўлжалар»ни кутиб ўтирарди. Улар келган, Г.Ахметова қола ичимлиги ичига билдирмай психотроп модда солиб қўяди. Уни ичиб олган қизлар ўзларини тамоман йўқотиб қўйишади. Бундан фойдаланган жиноятчилар уларни айланма йўллар орқали Чимкент вилоятига олиб бориб Азиза ва Эркинга сотиб юборади.

НАРЖИ

Ички ишлар идорасига келиб тушган маълумотга кўра, тезкор тадбир натижасида мазкур ҳолатни содир этган шахслар ушланган ва ҳозир суриштирув олиб борилмоқда.

Ҳа, бундай мудҳиш воқеаларга фуқароларимизнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолаётгани ачинарли ҳол. Шунинг учун ушбу иллатга қарши фақатгина ички ишлар ходимлари ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларгина эмас, барчамиз бир тану бир жон бўлиб курашмас эканмиз, муаммо ечимини кутиб тураверадим.

ВАТАННИ АЛМАШТИРИБ БЎЛМАЙДИ

Зиёли — миллат виждони. У қабул қила олмаган жиҳатни миллат ҳам қабул қилмайди. Мавзудан келиб чиққан ҳолда зиёларимизнинг баъзиларига қуйидаги саволлар билан муурожаат қилдик:

1. Сир эмас, сўнги йилларда мамлакатимиз фуқаролари одам савдоси аталмиш трансмиллий жиноят иштирокчисига айланди. Шу миллат зиёлиси сифатида бунга олиб келган омиллари нимада кўрасиз?

2. Мавжуд вазиятда биз нима топдигу, нимани бой бердик?..

Эркин АЪЗАМ, «Tafakkur» журнали бош муҳаррири, ёзувчи:

1. Қидирганини уйдан тополмаган одам кўчага чиқиб кетади. Бозор иқтисодиёти шароитида гастарбайтерларнинг хорижга иш излаб бориши, ишлаши ва ҳатто ўша ерларда қолиб кетиши табиий ҳол, албатта. Билишимча, ҳатто овруполлашган Туркиянинг ҳам биргина Германиянинг ўзида 3 миллиондан ортиқ гастарбайтерлари бор экан. Қарангки, кунни кеча Тўйтепага боришни ташвиш деб билган халқимиз бирдан «оёқ чиқариб қолди». Бунга бир томондан муҳтожлик сабаб бўлса, иккинчи томондан ҳойу ҳавас-да кучайди. Шу ерда туриб ҳам тирикчилик қилиш имкони бўлатуриб, қоракўз ўзбегимнинг хорижда ҳўрланиши, қул қилиб сотилиши на бизга ва на XXI асрга ярашади. Қаҳатчилик даврларида ҳам ҳеч ким орини бир чеккага йиғиштириб, хорижга мардикор бўлиб бормаган. Ахир, миллат руҳияти, қадриятлар, шаън деган тушунчалар бор. Тўғриси, кейинги вақтларда эркакларимиз бироз беор, ношуд, боқибегам бўлиб қолишди. Эри хорижда ризқ илинжида юрган аёлни бу ерда нималар кутишини бир тасаввур қилиб кўринг. Ахир, у ҳам одам-ку! Бу аёлга бошқа «эркак»лар қандай кўз би-

лан қараши маълум. Шу ҳолатлар таъсирида «Эркак» филми дунёга келди. Бу киномани томошабин яхши кутиб олди, бироқ айрим «чиновниклар»га бу ёқин-қирамади: тўртта одам четга чиққан бўлса, шуни кино қилиш шарт эканми деганлар бўлди. Мазкур киноасар эса Москва ва «Евроосиё» фестивалларида намойиш қилинди, Францияда бош совринга сазовор бўлди. Мақсадим, гўё мен биладигану бошқалар беҳабар муаммони кўтариш эмас, реал ҳаётнинг бир манзарасини кўрсатиш эди, холос. Эсингизда бўлса, филм тандир яшаш учун лой тепилаётган саҳнадан бошланади ва нон ҳақидаги гаплар билан якунланади... Эшитишимча, Австралия, ҳатто Аляскада ҳам ўзбеклар бор эмиш. Дунёга чиқдик деймизу, шу... аёлларимизнинг «чиқиш»и яхши бўлмади-да, менимча. Ориятли халқ вакили сифатида жуда кўп хунук фактларни эшитиш менга алам қилади.

Ҳукуматимизнинг ушбу масалага эътибор қаратганини тўла қўллаб-қувватлайман, лекин менимча бу муаммо кечроқ кўтарилиди. Шу оғриқ анчадан буён мени қийнаб келарди. «Эркак», «Жаннат ўзи қайдадир?» каби асарларим — ана шу оғриқлар меваси. Ўйлайманки, ўзини шу миллатга мансуб деб билган одам бу каби фожиаларга жим қараб турмаслиги керак. Хорижда фаровон яшаш мумкин, лекин четдаги ҳеч қандай шароит уйдаги бир пиёздоққа тенг келмайди. Шундай. Ватанни алмаштириб бўлмайди.

2. Нима топдик? Капитал қилиб келаяпти, шунинг орқасидан рўзғор тебратаётганлар бор. Эътибор бердингизми: нега Тошкентда уй-жой қимматлашиб кетди? Ўша ёқдан пул топиб келаяпти-да! Лекин одам қадричи? Отаси йилда бир келадиган боланинг тарбияси-чи? Эрини фақат қиш ойларидагина кўрадиган аёл руҳияти-чи? Нимани бой бердик дейсизми? Кўнги, орномусга ҳақ етаяпти. Буларни эса ҳеч қандай пулга чақиб бўлмайди.

Менимча, ривожланган давлатлар билан ишчи кучи борасида кўпроқ расмий шартномалар тузиш керак. Ҳар ҳолда қонун доирасида ҳаёт кечиршига нима ётсин?!

Баходир ИСМОИЛОВ, юридик фанлар доктори:

1. Фикримизча, фуқароларимизнинг ушбу жиноят қурбонига айланишининг бир неча сабаблари бор: одамларимиз соддалиги ва ишонувчанлиги; тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илнжи; юқори малакали касбларга эга бўлмаслик; енгил иш топиш орзуси; етарли ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик; беҳаёлик ва бефарқлик; лоқайдлик; айрим нопок ҳамюртларимизнинг гайриинсоний ва гайриқо-



нуний ҳаракатлари; трансмиллий жиноий гуруҳларнинг ихтисослашуви; жиноятдан жабрланганларнинг элементар дунёқарашининг торлиги; инсонлар қарашига моддий эҳтиёжларнинг маънавий қадриятлардан устунлиги; етарли даражада профилактик чоралар олиб борилмаслиги ва ҳоказо.

2. Биз авваламбор социализм давридаги кўп иллюзияларни йўқотдик. Олдин ҳаммани дўст деб қабул қилардик, лекин бундай эмас экан. Ўйлар эдикки, давлат бизни барча жиноий ҳаракатлардан ҳимоялаши шарт ва барча масъулият давлатнинг зиммасида. Аммо кўрганимиздек одамнинг ўзи лоқайд, содда ва ишонувчан бўлса, унга нисбатан жиноий ҳаракатлар кучаяди. Нимани топдик? Биз бозор иқтисодиёти бир томондан жуда самарали восита эканлигига ишондик ва бугунги кунда ҳар бир шахс ўзи ва яқинларининг тинчлиги, хавфсизлиги ҳақида авваламбор ўзи ўйлаши кераклигини англадик. Замон ўзгариши билан жиноий гуруҳлар ихтисослашишини кўрдик.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги жараёнда амалга оширилаётган одам савдоси, айниқса аёллар ва болаларни олиш-сотилишининг олдини олишга қаратилган чораларнинг самара бериши халқаро ҳамжамият ҳамкорлигини ривожлантириш, бундай жиноятлар динамикаси юқори бўлган давлатларда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш, бу билан шугулланувчи шахсларни тегишли тарзда жазолашни ўз ичига қамраб олувчи ишларни етарли даражада амалга оширишга боғлиқ. Ушбу чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши халқаро ҳужжатларда белгиланган инсон ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш ва таъминлаш учун мезон бўлиб хизмат қилади.

Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари:

1. Ушбу муаммонинг юзага келиш сабаблари кўп. Аксарият одамлар қийинчилик, тирикчилик ўтказиш машаққати ва ишсизликни сабаб қилиб кўрсатишади. Бу — муаммонинг бир жиҳати. Айрим одамлар вазиятдан чиқиш учун алданибми, ихтиёрийми, ивгога учибми, соддалик қилибми, иложсизликданми одам савдоси билан шугулланадиган мутахамлар учун товарга айланиб қолдилар. Аслида бу жиноятчилар ўз манфаатлари йўлида қотиллик ҳам қилмоқдалар. Бу ҳолатни вақти-вақти билан Россия телеканаллари кўрсатиб турибди. Агар бизнинг телеканаллар ҳам кўрсатганида эди, халқимиз учун огоҳлантириш ва ҳушёрликка даъват бўларди.

Бу муаммонинг яна бир жиҳати борки, бу ҳақда гапиришининг ўзи ҳар қандай одамда нафрат уйғотади. Мен хорижий давлатларга ўз ихтиёрлари билан кетиб, бойлик орттириш, айш-ишрат ва ахлоқий бузуқлик қайғини суриш, ўзгаларга тақлид дарадига мубтало бўлиб, фоҳишабозлик, пасткашлик, алдов, хиёнат,

диёнатсизлик кўчасига кирганларни назарда тутаяпман. Биз сизга айтсак, ёшгина ўзбек қизлари пул учун 60-80 ёшли касалманд, дини ва миллати бошқа хорижлик бойларга эрга тегаётган ҳолатлар ҳам бор. Ёш келин пулга ва мол-мулкка эгалик қилиш учун қорни қаппайган, оёқ-қўли ҳаракатсиз, ички аъзолари хаста «эр»нинг ёнида ётишга мажбур. Бу миллат учун иснод эмасми? Мен бир неча хорижий давлатда бўлганман. Ҳар сафар ўша ерларни «гуллатиб» юрган ўзбек қизларини кўрганимда ному с қилганман. Узокни кўйинг, ҳар гал Россия телеканаллари фоҳишахоналардан материал берганида ўзбек қизларини алоҳида таъкидлаб ўтишади. Бунинг учун ўша қизларнинг ўзлари ва уларни шу йўлга етаклаганлардан бошқа ҳеч ким айбдор эмас.

2. Тарбия борасида кўп нарсани бой бердик. Бунга, аввало, ҳаётимизга демократия ва мутлақ эркинлик ниқобидидаги ғарбнинг турмуш тарзи ва сунъий равишда ўйлаб топилган қадриятларнинг кириб келиши сабабчи. Агар маънавий, диний ва миллий қадриятларимиздан четлашсак, миллат сифатида ўзлигимиздан айрилиб қоламиз. Бизга демократия ва эркинлик ана шу қадриятлар доирасида керак. Буни ёшларга такрор ва такрор тушунтириш зарур.

Энди қийинчилик ва ишсизлик билан боғлиқ масалага келсак, бу муаммолар бор. Ҳозир бутун мамлакат миқёсида янги иш ўринлари ташкил этиш ва одамларни иш билан таъминлаш жараёни кетаяпти. Бу жараёни иложи борича тезлаштириш лозим. Бойларимиз жуда кўп. Улар яна ҳам тез кўпайиб бораёпти. Буни ҳаммамиз кўриб турибмиз. Қадимда бизда қийналиб қолган оилаларнинг муаммолари бойларнинг саховати, меҳр-оқибати, хайр-эҳсон ва закот ҳисобида ҳал этилган. Ҳозир ҳам бу қадриятларни унутишга ҳаққимиз йўқ.

ҚОРА КУРСИГА ҚАДАР

«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири Анорбой Норқулов шундай ёзади:

Янгиер шаҳрида истиқомат қилувчи Дилором Вайдуллаева бир хонадоннинг ҳавас қилса арзигудек бекаси бўладиган ёшда эди, ҳали турмушга ҳам чиқмаганди. Дилором ёшлик шижоатини асло чўчимай қора ишларга сарфлаб, мўмай даромад орттирмоқчи бўлди. Яқин таниши Нафисага (баъзи мулоҳазалар билан исмини ўзгартирдик) тўр ташлади ва уни илондек аврай бошлади.

— Москва шаҳрида ишлайсанми? У ерда пул жуда кўп, ҳар қадамда кафе-бар, тунги клуб

бор. Официантлик қиласан. Бир йилда миллионер бўлиб қайтасан.

Содда Нафиса унинг фирибига лаққа тушди. Унинг кўз ўнгида Москвада оладиган жараҳат пуллар қайта-қайта гавдаланарди. Ширин хаёллардан энтикиб, қандай розилик берганини сезмай қолди.

Улар кўклам кунларининг бирида Россия пойтахтига етиб келишди. Қизларни Дилоромнинг таниши Шоира Холиқулова кутиб олди. Сал нарида нималарнидир пичирлашиб олишгач, Шоира Нафиса учун Дилоромнинг қўлига 400 АҚШ долларини тутқазди. Ана шу арзимаган пул билан бир ёш қизнинг тақдири ҳал бўлди. Уят, андиша ва одамгарчиликни 400 долларга алмашган Дилором Нафисани Шоиранинг қўлига топшириб, ортга қайтди ва яна содда қиз-жувонларни овлай бошлади. Аммо бу сафар унинг «ови» бароридан келмади. Нолоқлик, виждонсизлик уни суднинг қора курсисига етаклаб келди.

ХОТИМАСИ ЙЎҚ МАВЗУ

Одамнинг нархи қанча? «Migratie.md» маълумотларига таянсақ, бугун «одам бозори»да қавмдошларимиз 200 дан 2000 АҚШ долларига қадар баҳоланмоқда. Хорижда 2000 доллар тузукроқ ресторанда тўрт улфатнинг бир зиёфатигагина етишини инобатга олсак... аламдан титраб кетасиз: яратиклар гултожининг баҳоси шунчалар арзонми? Умуман, одам шаъни, кадр-қиммати, кўнглини бирор нархга чақиб бўладими? Нега кишилар ҳатто кучугига қилган муомаласини ўз қавмдошидан дариг тутадими?!

Конфуций шундай ҳикоя қилди: «Ўта қизиқувчан ёш йигит олимлардан муқаддас китобларни қисқартириб, бир сатрга жойлаб беришларини сўраганида унга дедиларки:

— Нимани ўзингга номуносиб деб билсанг, ўшани ўзгага ҳам раво кўрма...».

Ёвузлик — эзгуликнинг нариги учи. Биз уни қанчалар инкор этмайлик, у барибир ўлмайди. Ахир ер шарини ўз ўқи атрофидан ҳамон айланмоқда. Бироқ бир ҳақиқатни унутишга ҳаққимиз йўқ: ҳар бир ҳатти-ҳаракатимиз Инсон(ият) сафарига таъсир қилади. Танлаш имконияти эса фақат одамгагина берилган.

Умид ЯЪКУБОВ, «Ishonch» мухбири



Қанцисиз, қирқ кокиллар?

Таътил вақти уйга бордим. Ҳар ҳолда яқинлар дийдори-ю болалиқдан бирга ўсган дўстларинг улфатчилигига нима етсин! Хурсанд бўлганим, ҳали қишлоқда меҳр-оқибатга занг тушмаган. Ҳамма бир-бирини жигаридай кўради. Бундан кўнглим тоғдек ўсиб, чарчоқларим аригандай бўлади.

Шундай кунларнинг бирида уйда пайтим онаминг албому кўлимга тушиб қолди. Ёшлиқдаги суратлари гулдасаси. Эсимда, бола чоғимиз у энг яхши эрмагимиз бўлгучи эди. Меҳр билан варақлайман. Менга ширин табассум билан боқиб турган бўй қизларнинг сочларию қошу қабоғи, пардозию кийиниши эътиборимни тортади. Юзларидан маъсулик, қарашларидан ҳаё, кийинишидан миллийлик балқиб турган қизлар (албатта, улар ҳозир бир-нечта фарзандларнинг оналари) юрагимдаги оғриқли торларни чертиб юборади. Хохламайгина албомни ёпаман.

Сафар қариб, пойтахтга қайтадиган бўлдим. Ҳар гал

улкан шодликлар қуршовида бўладиган кўнглим автобустга чиқар чоғи негадир безовта эди. Ён-веримга умид билан боқаман. «Қани қошларига ўсма кўйиб, уни чаккаларига эндирган қизлар? Қани сочлари тўпиқларини ўпган ёхуд кокилини қирқ битта ўрган парисиймолар? Ўзбек қизининг минг йиллик орини бутун сақлаган кўйлак-лозимли охулар ҳозир ҳам учрамикан?»

— Учрайди, — дейди ички бир овоз.

— Билмадим-ов, — дейди бошқаси.

Икки ўт ичра тутоқаман. «Бундайлар кўп. Ҳали айтган гапларингиздан уялиб қоласиз!», дея ҳайқиргим келади

уларга қарата. Аммо негадир тилларим айланмайди. Ҳайрон бўламан. Энди ҳасратимдан тутун чиқа бошлайди. «Намунча куйинмасанг, биродар! Сенга нима?! Улар опанг ё синглингидики, бунча ташвишини чекасан. Бундан сенга не наф? Ўзингни ўйласангчи! Ҳозир одамлар фақат ўзини ўйлайди», деган учинчи бир овоз келади.

Ҳаёлан у билан баҳсга киришаман. Залворли фикрлар қуюлиб келаверади: «Дўсти азиз, ана шундай беварқлик эмасми бизни бир пайтлар жаҳолат домига итқитган? Ана шундай худбинлик эмасми бошимизга қаро кунларни келтирган? «Оч қорним, тинч қулоғим» қабилида мум тиш-

лаб кетаверсак, бугун маҳалланинг у бурчидаги оила фарзандига ёпишган бало, эрта кўшнингникига, ундан сўнг, қарабсанки, ўзингникига ёпишиб турибди-да! Ўшанда бошингни қай бир деворга урмагин фойдаси йўқ!

У ундок деди, мен эса бундок, тортишаверибмиз, тортишаверибмиз...

Бир пайт қарасам, атрофимни қизлар ўраб олган: кўплари атлас, адрес кийган. Ҳаммаларининг этаги товонида, тиззагача кийганлар кўйлак-лозимли — қанддек ўралган. Кўзлари сурмадан, қошлари ўсмадан сув ичган, яшнаб турган гулгун қизлар. Ҳаёдан ним қизарган юзлари, фақат бўй қизларга хос ноз билан су-

зилган кўзлари «Йигитман» деганнинг кўкрагини куйдирмасам, мен кафил! «Ўзбек қизиман» дегани шундай бўлса-да! Ҳаёлимдагини уққандай улар бири олиб, бири кўйиб мулозамаат кўрсатади: чой кўйиб узатгани қайсисию тавозеъ билан сўрашгани қай бири. Аммо ҳеч бирининг кўзимга тик боқганини кўрмадим.

«Бўларкан-ку!», дейман ўзимга-ўзим. «Миллатнинг давомийлигига, заволга юз тутмаслигига шундайлар сабаб. Шўқрки, бундайлар бор экан дейди шу пайтгача эшитмаганим тўртинчи бир овоз. «Бор, улар жуда кўп. Фақат улар бизга кўринмайгина юрадидилар-да!», дейман унга жавобан. Бу сафар овозим баралла чиқади.

Шу пайт нимадир қаттиқ силкинади. Бошим нимагадир урилади. Секин кўзимни очаман. Бошимга урилган нарса автобус ўриндигининг тиргаги экан. «Ё, тавба, ухлаб қолибманми, а?». Аста ёнимга ўгириламан, ҳамроҳим — калта юбкали, сочлари алламбало турмак қилинган, шу қадар аёвсиз терилганидан оядрли асар қолмаган қошлар остидан кўзлари бежо боққан 18-20 яшар қизгина қулоғига «наушник» тақанча аллақандай хорижий куй жазавадига мос тебраниб кетаётир.

Бошқа тарафга ўгирилганча ўйга толаман. Ҳаёлларим эски халқ кўшиқларидан бирини ёдга солади:

Бирингда кўрдим бир пари —
Кокиллари гулҳайдари!
Яхшиямки, туш бор экан!

Жамшид НИЁЗОВ

Бизники эмас... Меники...

Бу ишларни ким қилганини топишдан олдин бунинг сабаблари тўғрисида ўйлаб кўриш даркор. Чунки оқар сувга бандни ариқ бошидан кўйиш керак бўлади. Менимча, бунинг бош сабаби ОИЛАдир. Унда болага қилинадиган муносабат ва тарбиянинг тамали тўғри кўйилмасам, миллатсевар фарзандни етиштириб бўлмайди. Айттайлик, бола тенгдоши билан жанжаллашиб қолса, доимий равишда унинг ёнини олиш, қийнамаслик учун ишлардан озод қилиш, қўшни, қавм-қариндошларникидан сўроқсиз (арзимас бўлса-да) бирон нарса олиб келса индамаслик каби ҳолатлар унда «Ҳамма энг яхши нарсалар меники бўлиши керак» деган тушунчани пайдо қилади. Оддийгина овқатланиш пайтида

Яқиндагина шахримиз кўрмага кўрқ кўшиб, замонавий йўсинда барпо этилган бекатларни кўрганда ҳар ким ўзича шодланган эди. Аммо тўғри тўғриликча шод бўлган бўлса, ўғри ҳам ҳарқалай нималарнидир ўйлаб хурсанд бўлган кўринади. Нега дейсизми? Унда ўзингиз бир шахар айланнинг. Бекатлардаги ўриндикларга кўшиб қалин ойналарни ҳам «ечиб» кетишганига гувоҳ бўласиз! Қолганларига эса, қайсидир мулфилда бўлгани сингари «из» қолдириб, нималардир ёзиб кетилган. Бунга «Истиклол» саройи олдидаги бекат бир мисол.

Шахримиз бекатларининг бу кўриниши юртимизга келган бошқа миллат вакиллари таассуротига соя солмасмикан?

ота-она меҳрибонлик қилиб, ўз касасидаги тансиқ нарсани боласининг касасига солиши ҳам ижобий натижа бериши мушкул. Негаки, болада шаклланаётган МЕН шу зайдда «семириб» боради ва унинг эҳтиёжлари кейинчалик доим ҳам қонавермайди. Вақти келиб ота-онасиз қолган ёки аввалгидай тўкин-сочин яшамаётган, бунинг устига балоғатга етиб, эҳтиёжлари янада кўпайган танбал бола осонгина эгри йўлга оға бошлайди. Бундай ўспиринлар кўчадан топган «устоз»ларидан осон даромад йўллари ўрганади. Энди улар «бу халқнинг мулки, буни ўғирлаш ҳаром» каби гаплар билан «бошларини оғритиб» ўтирмайди. Чунки уларда БИЗНИКИ эмас, МЕНИКИ деган тушунча шаклланиб бўлади. Албат-

та, ҳаром йўл билан топилган нарса бир томондан чиқиб кетади. Келинг, азиз ватандош! Миллатсеварлик, ватанпарварлик деган тушунчалар жўнлашиб, ҳиссиз бўлиб қолмаслиги учун ҳеч бўлмаганда ўз оиламизни ислоҳ қилайлик. Халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган «Бирлашган ўзар», «Бўлинганни бўри ер» деган мақоллари замиридаги маъноларни фарзандларимизга тушунтирайлик. Шунда улар ҳар бир нарсани ақл тарозисига кўйишни ўрганадилар. Бекатларга келганда эса «бу ерда бугун мен маза қилиб ўтирганим сингари, балки кеча ота-онам, бобо-бувим ўтиргандир, эртага ҳам яқинларим ўтирар» деб ўйлай бошлайди...

Билолиддин АБДУЛЛАЕВ



Умр заволи

Ўзингдаги ўзингникимас, Яратганинг омонати. Сенга топширилган омонатни яхши саклолмасанг уволга қолишинг, бир кун келиб бу ишинг учун товон тўлашинг керак бўлади. Алкогол ва тамакига ружу кўйиш тобора кўпайиб бораётганлиги инсон соғлигини барбод қилибгина қолмай, маънавий жароҳатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Тез-тез учраётган бундай иллатларга беварқ қараб бўладими?


безлари бузилиши оқибатида жисмоний жиҳатдан ривожланиш сусаяди.

Тиббий нуқтаи назардан қаралганда, кашанда ўзи билан бирга ҳаёт кечираётган оиласи, фарзандларини ҳам захарлайди. Баъзи мамлакатларда айнан шунинг учун турмуш ўртоғи кашандани судга бериши мумкин.

Баъзида сархуш ҳолатдаги тенгдошларимни кўрсам ўйлаиб қолам... Буларни нима мажбур қилган? «Жондан азиз» улфатларининг хайрихоҳлигимиз? Агар шахар касалхоналарини кўздан кечирсангиз, ошқозон яраси, инфаркт, жигар қуриши хасталигидан азият чекаётган кўпбало беморларни кўрасиз. Бу хасталиқларнинг сабабини сўрасангиз, илгари кўп ичганлигининг асорати энди билинаётганини айтишади.

Ҳаёт инсонга бир марта берилди. Ҳар биримиз умрнинг гўзал лаҳзаларини асрашимиз керак! Мен сизни, сиз уни, у бошқани, хуллас бир-биримизни бундай балолардан қутқаришимиз лозим.

Ш.МАМАТҚУЛОВ



Буқоқ ва унинг муаммолари

Ҳозир энг кўп тарқалган хасталиклардан бири қалқонсимон без касаллигидир. Буқоқнинг олдини олиш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, даволаш усуллари бўйича кўп ишлар қилинган бўлса-да, у ҳалигача жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) маълумотига қараганда, дунёда 1,5-2 млрд. киши йод танқислигидан азият чекапти. 655 млн. кишида эндемик буқоқ, 5 млн.дан ортигида эндемик кретинизм (жинилик) ва психомотор ўзгаришлар аниқланган. 43 млн. киши йод етишмаслигидан мия фаолиятида салбий ўзгариш сабабли ақлан заифдир.

Сўнгги 10 йил ичида эндокринологлар ҳисобида турган ва назорат қилинаётган буқоқ хасталиги бор беморлар сони Ўзбекистонда 4-5 баробар ортиб, 400 мингдан ошиб кетди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, хитой табиблари бу касалликни даволашда ҳайвон безини қуришиб дори сифатида қўллашган. Ибн Синонинг тиббий китобларида ҳам ушбу хасталик ҳақида батафсил фикр юритилган.

Ўрта Осиёда буқоқ касаллиги учраши тўғрисида илк маълумот берган одам машҳур саёхатчи Марко Поло бўлган. У 13-асрда юртимиз ҳудудида жуда кўп одамларда буқоқ касаллиги борлиги, уларнинг бўйни йўғон ва семиз эканлигини ёзиб қолдирган.

Юртимиз Россия мустамлакаси бўлган даврда биринчи чоп этилган маълумот ҳарбий врач К.Шалигинга мансуб (1878 йил). Унинг ёзишича, Қўқон аҳолисининг 50 фоизи буқоқ билан хасталанган.

1893 йили рус шифокори В.Сукачев Самарқанд шаҳрига яқин Даҳбет қишлоғи аҳолисининг ҳаммасида буқоқ касаллиги борлигини аниқлаган. И.Греков «Бухоро ва унинг санитар ҳолати» мақоласида Бухоро амирлигида эндемик буқоқнинг тарқалганини билдиради.

Булар аҳоли ўртасида эндемик буқоқнинг оғир даражаси кузатилаганини тасдиқлайди. Ҳеч қанақа даволаш усуллари қўлланмаганлиги туфайли беморлар ўлиб кетаверишган. Рус ҳукумати буқоқнинг олдини олиш мақсадида бирорта ҳам чора-тадбир кўрмаган.

Хўш ҳозирги пайтда аҳвол қандай?

Маълумотларга қараганда, юртимизда қалқонсимон без касалликларининг асосини ташкил қиладиганлар катта ёшдаги 100 минг аҳолига нисбатан ҳисоблаганда 2847 беморни ташкил этади. Йод етишмовчилиги мавжуд бўлган Туркистон шароитида бу касалликнинг аҳоли

саломатлигига таъсири кучлидир.

Қалқонсимон без анатомияси ва физиологияси

Қалқонсимон без бўйиннинг олдинги қисмида жойлашган бўлиб, чап ва ўнг бўлақлардан иборат. Катта кишиларда 25-30 граммни ташкил қилади. Унинг ҳажми кишининг жинсий етилиш даврида ва ҳомиладорликда катталашади. Кейинчалик 50 ёшдан сўнг аста-секин кичраёт боради.

Қалқонсимон безнинг узунлиги ўнгдан 3-4 см, чапдан 3-6 см, эни 3-4 см, қалинлиги 1-2 см.ни ташкил қилади. Ташқи томондан фиброз капсула билан ўралган бўлиб, бириктирувчи тўқима орасида трахея ҳалқасига боғланган (1-расм).

Табиийки, унинг ёнидан бўйиннинг қон томири ва асаб тугунчалари ўтади. Қалқонсимон без юқори ва пастки қалқонсимон артериялари ёрдамида қон билан таъминланади. Инсон организмида қалқонсимон без бошқа органларга нисбатан юқори даражада қон билан таъминланиши жиҳатдан фарқ қилади.

Қалқонсимон без бир қанча майда бўлақлардан иборат, бўлақлар фоликулалардан ташкил топади. Фоликулалар ички девори фоликуляр эпителий (тиреоцитлар) билан қопланган. Фоликула бўшлиғи коллоид модда билан қопланган. Коллоид модданинг 95 фоизини йод ташкил қилади.

Тиреоцитлар орқали тиреоид гормонлар синтези юз беради ва у қалқонсимон безнинг асосий массасини ташкил этади. Ушбу без иккита гормон — тироксин ва уйодтироксин ишлаб чиқаради, булар бевосита қонга ажратилади.

Аҳолида йод танқислигининг кечиши

Йод етишмаганда қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши натижасида жисмоний ўсишнинг орқада қолиши кузатилади. Хулоса қилиб айтганда, эндемик буқоқнинг кейинги йилларда 2-2,5 баробар кўпайиб кетганлиги ва болалар орасида хасталик 50-60 фоизни ташкил қилишига организмда йод элементининг етишмовчилиги асосий сабабдир.

Бизнинг кузатишимизча, йод танқислиги болаларнинг ақлий, жисмоний ривожланишида орқада қолишига олиб келади. Бундай болаларнинг бўйи паст, вазни

кичик, ҳаракатлари суст бўлиб, керакли ахборотларни кеч қабул қилади. Оғир йод танқислигида кретинизм касаллиги кўп учрайди. Ўз навбатида у томир, марказий асаб тизими, моддалар алмашинуви, суяк, мускуллар, тери, соч толлари ва жинсий без гормонларига таъсир қилади.

Ўсмир қизларда ойлик ҳайз циклининг бузилиши, юрак-томир тизимида ўзгаришлар келиб чиқади. Уларда жисмоний ривожланишда орқада қолиш, касалликларга тез чалиниш ҳолатлари кўп учрайди.

Йодга бўлган эҳтиёж

Йод одам организмига жуда зарур бўлиб, қалқонсимон безнинг нормал фаолияти учун керакли бўлган кимёвий элементдир. ЖСТ ишлаб чиққан тавсияларга биноан одамларнинг йодга бўлган кунлик эҳтиёжи ҳар хилдир.

Йодга бўлган кунлик эҳтиёж

Янги туғилган чақалоқлар ва 2 ойгача бўлган гўдақлар	50 мкг
2-6 ёшли болалар	90 мкг
7-12 ёшли ўқувчилар	120 мкг
12 ёшдан катталар	150 мкг
Ҳомиладор ва эмизикли аёллар	200 мкг

Ялпи йод

профилактикаси

Энг самарали ва арзон усул ош тузини йодлашдир. Чунки истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига туз ҳар кун кўшилади. Йод профилактикасида бошқа муқобил усуллари ҳам қўллаш мумкин. Бунга йодланган ёғ, нон, сув киради. Дунёдаги кўпгина мамлакатларда ош тузини йодлаш буқоққа қарши энг самарали усул деб тан олинган. Текширишлар шуни кўрсатадики, бутун жаҳон бўйича аҳоли учун ош тузини йодлашга кетган харажат 1 млн. 200 минг долларни ташкил қилар экан. Барча йод танқислиги касалликларининг олдини олиш, асоратларини даволаш учун сарф бўладиган маблағ бундан 190 марта кўп бўлиб, 192 млн. долларга тенг экан.


Нотўғри амалиётлар

Одамнинг йодга бўлган кунлик эҳтиёжи ўртача 100-200 мкг.ни ташкил этади. Бу миқдордаги йодни у асосан истеъмол қиладиган озиқ-овқатидан олади. Халқимиз орасида бир қатор нотўғри тушунчалар бор. Кексаларимиз ёшларга хурмо, ёнғоқ кўп истеъмол қилинса, буқоқни йўқ қилиб юборади, бу касалликнинг олдини олади деб

Дунё бўйича!

Йод танқислиги сабабли:

- 43 млн. одамларда ақлий ва жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши, шу жумладан 11 млн. кретинлар
- 760 млн. одамларда буқоқ касаллиги бор



Трийодтиронин таркибида 59 % боғланган йод бор
Тироксин таркибида 65 % боғланган йод бор

1-расм

маслаҳат беради. Бу гапга ҳатто айрим шифокорлар ҳам қўшилади. Биз бунга вилоятларга сафар қилганимизда гувоҳ бўлдик.

Эндокринология институти ҳодимлари бир қатор илмий изланишлар олиб боришганда, бу тавсиялар тасдиқланмади. Мисол учун, кўп истеъмол қилинадиган хурмони олсак, унинг 100 грамида йод миқдори 2,8 мкг.ни ташкил қилар экан, бир кунлик эҳтиёжни қоплаш учун инсон 3 килодан кўпроқ хурмо ейиши керак экан. Ёнғоққа келсак, бир кунда унинг 2 кг. 180 грамми истеъмол қилишга тўғри келаркан. Албатта, бунча мевани инсон бир кунда ея олмайди. Яна бир тавсиянинг нотўғрилигини исботлаш учун Ўзбекистоннинг дарё, анҳор, кўлларида кўп учрайдиган балиқларни текширишдан ўтказдик. Натижа шуни кўрсатдики, 100 грамм балиқда 3,9 мкг. йод бор бўлиб, кунлик эҳтиёжни қондириш учун одам 2,5 кг. балиқ ейиши керак экан. Бунинг эса иложи йўқ.

Аслида йод моддаси бизнинг худуддаги балиқларда эмас, балки денгиз балиқларида кўп миқдорда учрайди. Бунинг тасдиғи сифатида Японияни олсак, унинг аҳолисида эндемик буқоқ жуда кам миқдорни, яъни 3 фоизни ташкил қилади. Бундан маълум бўладики, инсон буқоқ касаллигига дучор бўлмаслиги учун албатта денгиз маҳсулотларини муттасил истеъмол қилиб туриши лозим.

Яна бир нотўғри амалиёт ҳақида гапириш жоиз. Республикамиздаги айрим мактаб, лицей ва коллежларда ўқитувчилар 1 стакан сувга 2-3 томчи йод томизиб кўйишар экан. Уларнинг фикрича, идишдаги йод бугланиб, организмга нафас йўли орқали таъсир кўрсатар эмиш.

Текширишлар шуни кўрсатдики, 20-30 дақиқадан сўнг стакандаги йод бугланиб учиб кетади. Инсон эҳтиёжига яраша йоднинг 80-90 фоизини озиқ-овқат маҳсулотларидан олади, нафас йўллари орқали оладигани эса жуда ҳам кичик фоизни ташкил қилади.

Бу борада энг тўғри йўл касаллик аломатлари пайдо бўлиши билан эндокринолог шифокорга мурожаат қилиш эканлигини унутмаслик лозим.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббийт фанлари доктори,
профессор

Йод танқислиги касалликларидаги асоратлар

ҲОМИЛА	Бола ташлаш, чақалоқнинг ўлик туғилиши, туғма нуқсонлар, чақалоқлар ўлимнинг ошиши Неврологик кретинизм Ақлий заифлик Қар-соқовлик Спастик дисплегия Филайлик Микседематоз Паканалик Ақлий заифлик
ЧАҚАЛОҚЛАР	Неонатал буқоқ Неонатал гипотиреоз
БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР	Буқоқ Ювенил гипотиреоз Жисмоний ривожланишда ортада қолиш
КАТТАЛАР	Буқоқ ва унинг асоратлари Гипотиреоз, ақлий заифлик, жинсий заифлик

?

Архивлар фаолияти ва уларга доир қонун ҳужжатлари ҳақида маълумот берсангиз.

У.БОБОКУЛОВА,
Тошкент шаҳри

Архивлар — архив ва иш юритиш бўйича ягона давлат сиёсатини олиб борадиган муассаса ҳисобланади. Миллий архив фонди ҳужжатларини йиғиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш архивнинг асосий вазифаси этиб белгиланган. Архивимиз 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, илм, фан, техника илмий тадқиқот ва лойиҳа институтларининг ҳамда тиббиёт соҳасининг ривожланишига оид 250 мингдан ортиқ йўзма жилдада ҳужжатлар сақланади. Бундан ташқари, республиканинг йирик фан арбоблари, профессор ва олимларнинг шахсий жамғармалари мавжуд. Мустақиллик даврида ҳукуматимиз томонидан архив соҳасининг ривожланишига катта эътибор берилаяпти. Жумладан, 1999 йил 15 апрелда «Архивлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрда, 2004 йил 3 февралда ва 2008 йил 26 августда «Ўзбекистон Республикаси архив ишини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг қабул қилиниши бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Технологиялар жадаллик билан ривожланаётган бир даврда республикамиздаги ҳар бир архив муассасаси олдида электрон ахборот ресурсларини яратиш вазифаси турибди.

Қарорнинг қабул қилиниши архивчилар учун муҳим воқеа бўлди. Давлат архивлари ҳамда идоравий архивларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамландиган бўлди. Архивларни Ўзбекистон марказий архив фонди ҳужжатлари сақланиши ва хавфсизлигини таъминлаш, архив ҳужжатларининг сугурта нусхаларини яратиш ва электрон шаклга ўтказишда замонавий техник воситалар билан таъминлаш масалалари ҳал этилади. Бундан ташқари, масофадан ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда архив иши ва иш юритувчи ходимларнинг мунтазам равишда малакасини оширишга имконият яратилди.

М.ХАДЖИМЕТОВА,

Ўзбекистон техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви директори

?

Пенсиядаман. Чизмачиликдан дарс ўтаман. Аммо у бор-йўғи тўққиз соат. Шунинг учун пенсияни тўлиқ ололмайманми?

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Қарши тумани

Ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлаш тартибига мувофиқ тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш кунидан қатъи назар сизга пенсия 50 фоиз миқдоридан тўланади.

?

Давлат ва жамоат ташкилотлари қурган уй-жой ордери фуқароларга қим томонидан берилари?

Усмон РАЖАБОВ,
Нишон тумани

Уй-жой кодексининг 8-моддасида турар-жой фондларининг тури белгилаб берилган, улар асосан хусусий ва давлат уй-жой фондларига бўлинади.

Ушбу кодекснинг 13-моддасига кўра, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқага ўтиши, чекланиши, бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Шу хусусдаги низомга мувофиқ ҳокимликнинг коммунал уй-жой фондидан турар-жойга ҳақидаги қарори асосида фуқарога турар-жойга кўчиб кириш учун бирдан-бир асос бўладиган ягона намунадаги ордер берилари.

Ордер фақат бўш бўлган ҳолис турар-жойга берилиши мумкин.

?

Мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат институтлар мақоми давлат институтлари билан тенгми?

О.ТўРАЕВ,
Амударё тумани

Ҳа. «Олий таълим тўғрисида»ги низомга мувофиқ олий таълимни давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида олиш мумкин. Уларнинг мақсад ва вазифалари бир хил. Давлат таълим стандарти дастури бўйича мутахассис тайёрланади ва давлат намунасидаги диплом берилари. Уларга кириш ҳам давлат олий таълим муассасаларига қабул каби амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-қарори билан тасдиқланган «Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низомнинг 2-бандига мувофиқ уларга лицензия бериш ва уни бекор қилиш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрларни ва таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бошқармаси комиссияси ишчи орган функциясини бажаради. Бу тўғридаги аниқ маълумотларни ушбу муассасадан олишингиз мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

?

Ҳарбийлар ётоқхонасида қоровул - боғбон (дворник) бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим шу ётоқхона мудури, аммо иш берувчи эмас. Бизнинг бир жойда ишлашимиз мумкин эмасми?

Ҳабиба БОЛТАЕВА,
Термиз шаҳри

Меҳнат кодексининг 79-моддасига мувофиқ ўзаро яқин қариндош, жумладан эр-хотинларнинг, башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга ишлашлари тақиқланади.

Мазкур қоидада истиснолар Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-қарорининг 3-иловасида кўзда тутилган. Унда сиз ишлайдиган соҳа назарда тутилмаган. Демак, сиз ўзингиз айтган шароитда эрингиз билан бирга ишлашингиз мумкин эмас.

?

Қарши маданият техникумини тугатиб, мактаб кутубхонасида 31 йил ишлаб, пенсияга чиқдим. Пенсия миқдори кам, электр энергияси тўлови ва бошқа имтиёزلардан фойдаланмайман. Шу тўғрими?

Холмўмин ФАЙЗИЕВ,
Қамаши тумани

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 25-, 26-моддаларига мувофиқ пенсия миқдори иш стаж миқдорига боғлиқ бўлиб, куйидагилардан таркиб топади:

пенсиянинг таянч миқдоридан;
иш стаж учун пенсия оширилишидан;
пенсияга қўшимча устама ҳақларидан.

Ёшга доир тўлиқ пенсия бўйича пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам иш ҳақининг 100 фоизи даражасида таянч миқдори белгиланади. Ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун таянч миқдори

олинандиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан оширилади.

Ўзбекистон Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 3 апрелдаги 49-, 45-қарори билан тасдиқланган «Уй-жой коммунал хизматлари ҳақини тўлаш пул тўловларлари механизми тўғрисида»ги низомга мувофиқ камида 10 йиллик педагогик ва илмий-педагогик стажга эга бўлган пенсионерларга иш ҳақининг 45 фоизи миқдоридан ойлик компенсация тўланади.

Кутубхоначи бўлиб ишлаганлигингиз учун сизга компенсация тўланмайди.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қилайлик

Қизгинанинг орзу-умидлари ниҳоят ушалди. У туман халқ таълими бўлимига қарашли «Муштарий» мактабгача таълим муассасасига энага вазифасига ишга қабул қилинди. Орадан икки ой вақт ўтиб, яъни шу йилнинг 1 апрелидан қисқа муддатли гуруҳга ёрдамчи тарбиячи вазифасига ўтказилди. Д.Тожибоева бу вазифада ҳам астойдил ишлаб тез орада жамоанинг хурмат қозонган аъзосига айланди. Аммо кунларнинг бирида муассаса мудираси О.Ҳайдарова уни ҳузурига чорлаб,

Тарбиячи вазифасига тикланди

тарбия масканидаги тарбияланувчиларнинг камайиб кетганлиги, шу боис қисқа муддатли гуруҳ ёпилганлигини маълум қилиб, уни вазифасидан озод қилади. Шу тариқа эндигина иш бошлаган ёш мутахассис ишсиз қолади. Д.Тожибоева мудирага бошқа вазифага ўтказишини сўраб, қайта-қайта мурожаат этди. Аммо унинг илтижолари ерда қолавурди. Ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлган Д.Тожибоева кўмак сўраб ҳуқуқ-тартибот идора-

ларига мурожаат этди. Унинг аризаси юзасидан текшириш ўтказилганда, бир қатор қонунбузарликлар аниқланди. Биринчидан, муассаса мудираси О.Ҳайдарова томонидан 2008 йил 1 апрел кун О.Тожибоевани энага вазифасидан қисқа муддатли гуруҳга ёрдамчи тарбиячи вазифасига ўтказилганлиги ҳақидаги буйруқ Меҳнат кодексининг 96-моддаси талабларига зид равишда чиқарилганлиги аниқланди. Ушбу ноқонуний буй-

руқ Боёвут тумани прокуратурасининг протестига кўра бекор қилинди. Д.Тожибоева шу йилнинг 18 июлидан бошлаб тарбия муассасасига кичик гуруҳ энагалиги вазифасига тикланди.

Охир-оқибат ҳақиқат қарор топди, ёш мутахассис яна ишга тикланди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи муҳбири

ОЗБЕКИСТОН

5:55 Курстанлар дастури, 6:00 «Ассалом, Узбекистон!»...

ТВ-МАРКАЗ

07:00 Узбек наволари 08:00 Сервал «Жасоита ушша»...

TOSHKENT

7:25 Курстанлар тартиби, 7:30 «Салом, Тошкент!»...

ПЕРВЫЙ

4:00 Телерадиоканал «Доброе утро»...

ТВ-3

07:00 М/Ф «Космические ковбои»...

СТС

07:00 М/Ф «Зена - королева воинов»...

РОССИЯ

04:00 «Доброе утро, Россия!»...

СПОРТ

7:00 «Бодоро утро», 8:00 «Хабарлар»...

DTV

07:00 «Удачное утро», 07:50 Музика...

18:00 «Тет-а-тет», 18:10 «Спорт клуб»...

ОЗБЕКИСТОН

19:00 «Давр», 19:30 «Самовий ишк»...

ТВ-МАРКАЗ

07:00 Узбек наволари 08:00 Сервал «Жасоита ушша»...

TOSHKENT

7:25 Курстанлар тартиби, 7:30 «Салом, Тошкент!»...

ПЕРВЫЙ

4:00 Телерадиоканал «Доброе утро»...

ТВ-3

07:00 М/Ф «Космические ковбои»...

СТС

07:00 М/Ф «Зена - королева воинов»...

РОССИЯ

04:00 «Доброе утро, Россия!»...

СПОРТ

7:00 «Бодоро утро», 8:00 «Хабарлар»...

DTV

07:00 «Удачное утро», 07:50 Музика...

18:00 «Тет-а-тет», 18:10 «Спорт клуб»...

ОЗБЕКИСТОН

19:00 «Давр», 19:30 «Самовий ишк»...

ТВ-МАРКАЗ

07:00 Узбек наволари 08:00 Сервал «Жасоита ушша»...

TOSHKENT

7:25 Курстанлар тартиби, 7:30 «Салом, Тошкент!»...

ПЕРВЫЙ

4:00 Телерадиоканал «Доброе утро»...

ТВ-3

07:00 М/Ф «Космические ковбои»...

СТС

07:00 М/Ф «Зена - королева воинов»...

РОССИЯ

04:00 «Доброе утро, Россия!»...

СПОРТ


7:00 «Бодоро утро», 8:00 «Хабарлар»...

DTV

07:00 «Удачное утро», 07:50 Музика...

18:00 «Тет-а-тет», 18:10 «Спорт клуб»...

Бу суратни кўп марта кўргансиз, азиз ўқувчи. Кўхна Афросиёбнинг қадим бўй-бастидан дарак берувчи бу расм Жайхун ва Сайхун оралигида ўлғайган ҳар бир авлод вакили учун қадрдон. Суратга тикилар эканмиз, хаёлимиздан «сарик туя минган чол менинг аждодим бўлса-я» деган ўй ялт этиб ўтади. Ва бизни қадим тарихнинг гадир-будур кўчаларига бошлаб киради.



Туронтош элчилари

Милодий VII аср. Афросиёб. Ҳукмдор Вархуман саройи. Байрамда Афросиёб шоҳи турли юртлардан келган элчиларни қабул қилмоқда. Элчилар ўз пешкашларини ҳукмдорга тақдим қилаёттир. Сурат тўла сақланмаган. Расмларнинг белидан бир оз пастки қисми бузилган. Аста-секин қадам ташлаётган оқ фил тантанали юришидан бошлаб бормоқда. Унинг хартуми ўралган, тишлари олдинга чиқиб турибди. Филнинг бўйнига осиб қўйилган қўнғирок ва абзалига маҳкамланган оғир кўк попуқлар оҳиста силкиниб бормоқда. Филнинг устида марварид доналаридан ясатилган жул, унинг ўртасида эса қанотли шер тасвирланган. Ортдан туяга минган икки

эркак бораяпти. Қорачадан келган биринчи эркак катта ёшда бўлиб, соқоли ва мўйловига оқ тушганлиги аққол сезилади. Унинг ўсиқ, куюқ қошларига оқ оралаган. Қорамтир юзида қабоқлари ботик, кўк кўзлари ёрқин кўринади. Соchlари оқ боғич билан боғланган. Чап қулоғида зирак бор. У ўнг қўлининг икки бармоғи билан қалъани кўрсатапти. Чап қўлида учига ҳайвон боши ишланган чўқмор. Устига қизил чакмон кийган, Елкасига ташланган сариқ енгсиз кийим шамолда ҳилпирайди. Иккинчи эркак ёш, рангпар юзли, қора соқоли ва ингичка мўйлови бор. Қора сочларига қизил боғич боғланган. Биринчи

эркак сингари унинг юз тузилиши ҳам европаликларникига ўхшайди. Катта қирғий бурунли, оғзи кичик бу кишининг ўнг қўлида сариқ (олтин) чўқмор бор. Иккала эркак ҳам узун қилич билан қуролланган бўлиб, бу қилич камарнинг чап томонида осилиб турибди. Уларнинг белбоғларига калта ханжар осилган, дасталарида ёввойи қушларнинг боши тасвирланган. Туялар жигарранг, биринчисининг устида филларнинг сурати солинган кунгуралар билан безатилган доирасимон жул бор. Кейинги гуруҳлар учун ҳам ана шундай тасвир характерлидир. Биринчи қаторда жул билан ёпилган кўк от бўлиб, унинг оёғида ранг-

баранг боғичлар ҳилпираб турибди. Куюқ қора соқоли эркак отнинг жуганидан ушлаб келаяпти. Юзида оғзи ва бурнини беркитиб турувчи рўмол бор. От тепасида тўртта оққуш тасвирланган бўлиб, уларга сўғд сўзлари ёзилган. Қушларнинг бирига катта катта қилиб «оёқ» сўзи ёзилган. Иккинчисида кўп маротаба қайтарилган, лекин яхши сақланган. Ёш йигит қушларни ҳайдамоқда. Унинг соchlари кокилча қилиб ўрилган. Юзида эса отни етаклаб келаётган эркакникига ўхшаш рўмол бор. Шунга ўхшаш тасвирлар кумуш товоқда ҳам учрайди. Икки киши антропологик кўриниши ва устидаги кийимга кўра бошқалардан ажралиб туради. Улар-

нинг уч ўрам қилиб ўрилган узун соchlари белларидан ҳам пастга тушиб турибди. Ингичка қора мўйловлари бор. Чакмонлари эса элчилар либосидан кўра камтарроқ. Биринчиси икки ёқали ва ўртасида боғичи бор қизил, иккинчиси сариқ чакмон ҳолатда турибди. Сариқ чакмон кийган эркак орқасида келаётган кишига унинг кетидан боришини таклиф қилаётгандек бошини ўша тарафга қаратган. Бу суратлардан юқорида, жанубий деворда тик турган икки эркак тасвирланган. Улардан бири қизил чакмон кийган, чакмоннинг очиқ жойида сўғдча ёзув бор. Махсус котиб томонидан ёзилган ўзига хос бу ишонч

ёрлиги 16 сатр келадиган вертикал матндан иборат. Хатнинг таржимаси қуйидагича: Хунлар шоҳининг элчиси этиб келгач, у оғзини жуфтлаб (бундай дейди): «Чағониён маҳкамасининг бошлиғи мен Бур-затак (Бур ўғли) Самарқанд шоҳига иззат-икромимизни изҳор қилмоқ учун Чағониён подшоҳи Туронтош ҳузуридан келдим. Мана, эҳтиром билан (Самарқанд) шоҳи олдида турибман. Сизлар менга ҳеч шубҳа билан қараманглар — Самарқанд худолари ва ёзувдан хабардорман. Мен қудратли шоҳингизга ҳурматимни билдираман. Сизлар эсон-омон бўлинглар. Шунингдек, хунлар подшоҳи ҳам... (бу ёғи бузилган) Чағониён маҳкамасининг бошлиғи шундай дейди». Расмнинг мўъжизалиги шундаки, у тасвир орқали сўз айтади. Расом бу ўринда ҳам фил ва оққушлар тасвири орқали реалликка эришган. Аммо, энг муҳими, муайян эпик типни тасвирлаб бера олган. Тарихни ўрганиш фарзидир. Асли тарихни билиш билимдонлик саналмаслиги керак. Худди ўз исми-шарифи ва яқинларимиз ҳақида билгандек. 1965 йили Афросиёбдан топилган бу сурат Ўзбекистон халқлари тарихида муҳим ўринга эга. Унинг аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, қанча «номзод-наук»ларни «доктор-наук» бўлиш имкониятидан мосуво қилган бўлаемиз. Бу сурат қадим-қадим замонларда даврон суриб ўтган аждодларимиз ҳақида сўйлайди. Суратнинг садосига қулоқ тутишимиз эса ўзимизни тинглаш демакдир.

Азиза ЯЪҚУБОВА тайёрлади

Маънавий кўприклар

Маънавий ҳазинамизга улкан ҳисса қўшган, Насаф қадимшунослик мактабининг устунларидан бири Хонзода Муҳаммад ал-Машхур Хожа Атоий ўғли Қусам шайхдир. Ул зоти шарифнинг зиёратгоҳи Қарши шаҳрининг шимоли-ғарбида жойлашган Пудина қишлоғида. Қадимда Насаф зодагонларининг дала ҳовлилари сифатида фойдаланиб келинган бу жой 9-асрдан бошлаб маданий марказ сифатида машҳур бўлган. 12-асрнинг охири — 14-асрнинг бошларида (1198-1336) яшган Қусам шайх номи билан боғлиқ маданий ёдгорликларнинг бир қисми бизгача этиб келган. Уларга қараб хулоса қилиш мумкинки, бир замонлар бу жойларда ҳаёт гулмираб, илм-маърифат ривожланган. Манбаларда тилга олинган кутубхона, чилахона, сардоба, қарвонсаройлар, бозор ва бошқа маданий ёдгорликлар, қўлёмалар қатагон йилларида йўқотилган. Қусам шайх ҳазратлари ҳақида улғуш шoir Абдураҳмон Жомий «Нафосат ул-унс» асаридан шундай маълумот берган: «Муҳаммад Қусам Атоий туркий шайхлардан

бўлиб, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидандур. Баҳоуддин Нақшбанднинг устозидир». Улуғ шoir Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асаридан ул зотни «шайхлар шайхи» дея эътироф қилади. Навоийнинг қайд этишича, Баҳоуддин Нақшбанд ўсмирлик давларида Қусам шайхга шогирд тушган. Ҳазратнинг Хожа Баҳоуддин билан бўлган мулоқотлари ҳақида батафсилроқ ўрганиб, манбаларни тўплаган ҳолда улғуш бобокалонларимиз тўғрисида «Қусам шайх» романимни ёздим. Улуғ шайх Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Шаҳнознинг қизи Гавҳари Хуштознинг фарзандидир. Қусам шайхнинг оталари Бухоро шайхидан бўлиб, Атоийлар авлодига мансуб. Манбаларга кўра Хуштознинг ва Муҳаммад Атоийларнинг олти ўғли бўлиб, Атоийларнинг мўғуллар босқинидан илгарироқ Қусам Атоий укалари Исҳоқ Муҳаммад ва Мансур Муҳаммад билан ислом мамлакатларида таҳсил олган. Қарийб йигирма йилча таҳсилдан сўнг юртга қайтаётганларида мўғул босқинчилари қатагонига дуч келишди. Кичик оғаси Мансур Муҳам-

мад Балхда, Исҳоқ Муҳаммад эса Насаф вилоятида шахид бўлади. Икки укасини ёғийга олдирган Қусам Муҳаммад Туркистонга қайтишдан вақтинча тийилади ва Насафда Пудинадаги ҳадисшунослик мактабида мударрис бўлиб фаолият юритади. «Ёзувчи» наشريётида 1991 йили чоп этилган Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Баҳоуддин Балоғардон» асаридан ҳам Қусам шайхнинг Баҳоуддин Нақшбандни Пудина мактабига қабул қилиш давридаги сновлар ҳикоя қилинади. Жумладан, исломшунос ёзувчи Носируддин Ҳанафийнинг «Тухфат аз зойирин» асаридан ёзилишича, Баҳоуддин «Баҳоуддин» асаридан олишга келганида пир-у муршидлар қовунхўрлик қилиб ўтирган бўлади. Баҳоуддин уларга халақит қилмаслик учун супанинг бир четига тортинибгина чўқади. Қусам шайх унинг шогирдликка тушишга келадигани билгани боис Баҳоуддинни сновдан ўтказиш мақсадида уни қовунхўрликка чорлайди. Қовунни еб, унинг олдида пўчоғини ташлайди. Баҳоуддин эса ҳазратнинг нафаси теккан пўчоғини

тупроғини ҳам суртмасдан ёйди. Ҳазрат унинг ҳаракатларини кузатиб, пўчоқ ташлашда давом этади. Бу ҳол уч марта такрорланганда ҳам Баҳоуддин ихлос билан пўчоғини ердан олиб тановул этади. Шу тариқа шогирднинг ихлоси сновдан ўтади ва бузруквор «етишибдур, акс ҳолда Сайид Амир Кулол ҳузуримга жўнатишга ҳадди сизмасди» деб ўйлайди. Яна бир манбада худди ўша қовунхўрлик ҳикояси такрорланади ва қўшимча равишда пайкал ёнидан ўтиб кетаётган туркларнинг қарвонбошиси туяларни йўқолгани, уни бир ўспирин олиб қочганини айтиб, ҳазратга арз қилади. Ушанда Қусам шайх Баҳоуддинни кўрсатиб, «туянгизни ўтирган шу бола эмасми?» деб сўрайди. Арзчи эса шу бола эканини айтганда, «тутиб калтакланг, туяларингизни қайтариб келадиган» дейди. Қарвондагилар хожанинг қўлоғини боғлаб, шафқатсизларча калтаклайди. Ушанда ҳам шогирдликка даъвогар хожани зимдан кузатиб «етишибдур, жасадни калтаклаш на ҳолат, руҳи қайдада юрибди эркан, ҳойнаҳой боғи туркларнинг туяларини излаб кет-

ган бўлса керак» дея ўйлаб турганда, туяларини йўқотган кишиларнинг жўралари кечирим сўрашга келиб қоладилар. «Ё, Раббий, бу туяларимизни ёнимизга келтирган болага жуда ўхшайди» дея довлдираб ортга қайтадилар. Бу ҳолни кузатиб ўтирган ҳазрат Қусам шайх «ростдан ҳам етишибдур» деган хулосага келади ва қўл-оёғи боғлиқ, аёвсиз калтакланган хожани шогирдликка олишни ихтиёр қилади. Ҳазрат Қусам шайхнинг қўлида улғуш аллома Сайид Амир Кулол ҳам таҳсил олган эди. Шу боис энг иқтидорли шогирдларининггина устозига йўлларди. Биз учратган учта манбада ҳам улғуш аллома Сайид Амир Кулол Бухоро мадрасасида хожа Баҳоуддинга таълим бериб бўлганидан сўнг, Пудина мактабининг отаси Қусам шайхдан таълим олишини буюради. «Ўзимдаги барча билимларни сенга бериб бўлдим, энди Насаф томонларга бориб, Қусам шайх ва Халил оталардан таълим оласан» деган. Халил ота ҳам Қусам шайхнинг яқинларидан бўлиб, хожа Баҳоуддин у зотга шогирд тушганда атиги 16 ёшда экан. Қусам шайх Баҳоуддин Нақшбандга чўқур билим беради. Пудинадаги мақбара ва қадам-жолар атрофидаги Қусам шайх ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари номи билан боғлиқ бир қанча илмий ўрганишга молик жойларга дуч келдик. Қишлоқ қариялари Дардлашган ота, Ғойиб ота деган

тепаликларга олиб боришди. Дардлашган ота тепалиги қишлоқ қабростонининг ўртасида жойлашган бўлиб, устида ғарибгина қадимий хўжа бор экан. Ниҳоятда хароба қулбада Баҳоуддин Нақшбанд чила тутгани айтилади. Негадир шу зиёратдан сўнг кўнглим тўқ бўлиб, асарни ёзишга ўтирдим. Асарнинг баҳосини ўқувчи беради. Ёзувчи сифатида ниятим қадимий Насафда ҳам эътироф этишга, фаолиятини тарғиб қилишга лойиқ зотлар, табаррук қадамжолар мавжуд эканидан халқимизни хабардор қилишдир. Манбаларда Қусам шайхнинг 10 нафар фарзанди борлиги тилга олинади. Шундан 5 таси насабий, 5 таси сабабий фарзандларидан дейилади. Ҳижрий 1214 йили Сайид Амир Хайдар томонидан муҳр босилган Қусам шайх ва ул зотнинг авлодларига тегишли шаҳарада ҳам бу ҳақда маълумот бор. Унда кўрсатилишича, «Қусам отанинг сабабий фарзандларидан бири хожа Баҳоуддиндир». Бу ҳақда ҳазрат шундай эътироф этган: «Менинг тўққиз ўғлим бор, ўнинчиси сенсан ва уларнинг ҳаммасидан муҳаддасан». Демакки, хожа Баҳоуддин Қусам шайх ҳазратларининг энг муносиб, фарзанди қадар суюкли шогирди бўлган.

Шарофат АШУРОВА, «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарь вилояти бошқаруви раиси

Репортажنامо

«Олтин бутилка» соҳиби
«Биллур қадаҳ»ни ҳам
қўлга киритди

— Мен ичган ароқларни йиғиб ҳажмини ҳисобласак, дунё океани ҳажмидан бир юзу ўн бараваар кўп чиқарди, — деди халқаро алкашлар уюшмаси раиси, жаҳон ароқхўрлари мусобақасининг ўн тўққиз карра голиби, машхур пиёниста Ароқсиз Турмасов алкашларнинг йиллик ҳисобот мажлисида. — Ҳа, мен бутун умримни сеvimли касбим — ичкиликбозликка бағишладим. Еганим ҳам, кийганим ҳам шу ичкиликнинг орқасидан бўлди. Аммо ҳеч кимдан кам бўлмадим...

Шунингдек, мажлисда сўз олган Шароббек Шайтонқулов ҳозирги кунда халқ орасида ичкиликбозлик жуда камайиб кетганлиги ва уни кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолаётганлиги ҳақида куйиб-пишиб маъруза қилди.

«Ароқхўрликни яхши тарғиб қила олмаётган «Пиёниста» газетаси фаолиятини қаттиқ қоралайман, — деди у қўлидаги май тўла қадаҳни минбар устига тақ этказиб қўяркан. — Газета ўз вазифасини бажара олмаяпти! Мана, қўлимда унинг саккизта сони. Бирортасида ичкиликнинг фойдаси ҳақидаги мақола йўқ. Газетачилар қаёқдаги ароқни ангиш-вонага сузиб ичса киши тез маст бўладими ёки косага деган мавзулар билан ўралашиб қолишган. Асосийси ичингга киргани-ку!». Машхур алкашнинг бу сўзларини залдагилар қарсақлар билан маъқуллади. Шундан сўнг ўтган йили бир ўтиришда бир кам йигирма тўртта шижани думалатиб, тенгдошлари орасида мутлоқ чемпион бўлган ва «Олтин бутилка» кубогини қўлга киритган ёш, иқтидорли алкаш Майхўржон Кайфқулов минбарга чиқди. У ўзидан олдин сўз олган ҳар иккала устозининг гапларига қўшилажигини билдириб, ўзининг кечагина кайф устида қоғозга тўкилган тўрт қатор шеърини ўқиб берди. «Келинлар, дунёдаги барча алкашларнинг соғлиги учун ичайлик! Олинлар, олдирманлар!», — деди у гапининг охирида бир шиша ароқни кўлида ўйнатаркан.

Сўнгра мажлис иштирокчилари Майхўржонни «Йилнинг энг яхши ёш ароқхўри» деб тан олдилар ва у махсус «Биллур қадаҳ» медали билан мукофотланди. Мажлис сўнгида голиб мухбирларга интервью берар экан, бу ютуқлари билан асло чекланиб қолмаслиги, келажакда бошқа соҳалар, хусусан, кашандалик ва гиёҳвандликда ҳам албатта ўзини кўрсатишга ваъда берди.

Элмурод НИШОНОВ



Рассом Шавкат МУЗАФФАР

Бир жуфт патиша

Кайнона куёвидан сўради:
— Мени фалокатдан қутқариб қолган одамни кўрдингми?
— Ҳа, кўрдим. У мендан қайта-қайта кечирим сўради.

— Менга кимлигингни айт ва мен сенга дўстинг кимлигини айтаман.
— Мен миллионерман.
— Мен эса сенинг дўстингман.

Виктор КОКЛЮШКИН

Барибир яшаймиз

Ҳозир одамларимиз шунақанги карьера қилишяптики, ҳатто миллиардерларнинг ҳам ҳаваси келади. Ўн ёшли болалар машина ойнасини юва бошладилар. Ўн икки ёшларида тижорат дўкони очишди. Ўн олти ёшида брокерлик идораси, йигирмада — банк. Қарабсизки, миллионер. Йигирма икки ёшида турмада ўтирибди. Йигирма тўрт ёшида — Госдума депутати.

Лекин гап бошқа ёқда. Мамлакатда пул қаёққа кетаяпти деган масала бор. Яшаш учун пулни қаердан олиш мумкин? Одамларга ярим йиллаб маош беришмайди. Бу қанақаси? Балки молия вазиридан сўраш керакдир?

— Нима қилай? — дейди у. — Менинг маошим ҳам сизларникича, ҳаммаларингникини бирга қўшса.

Эҳтимол, ҳукумат жавоб бераар? Чунки у ишлаб чиқариш билан шуғулланаяпти, солиқ йиғаяпти, нархларни кўтараяпти. Мана, ҳозир йўлқира ошди. Йўлқира тўлашдан кўра автобус сотиб олиш афзалроқ бўлиб қолди.

«Алло, нимага пенсия бермаяпсизлар?», — деб қўнғироқ қилишади. «Чунки пенсияларни оширишга қарор қилдик». «Ўша аввалги озгинасини бериб туринглар ҳозирча». «Унга пул йўқ».

«Алло, Владивостокдан гапираяпмиз. Ойлик олмаяпмиз».

«Пул юборганмиз. Пиёда кетаётган бўлса керак».

Лекин бизнинг халқни осонгина эгиш қийин. Агар ишхонада маош беришмаса, бошқа жойдан топишади. Ҳамма эмас, албатта, бироқ кўпчилик мослашади.

Ана, уй олдида чоллар бир умр доминода «козёл» ўйнашарди. Кейин ўйлаб қолишди ва ертўлани ижарага олиб, у ерда «козёл» ўйналадиган, валюта тўлаб кирилувчи «Козлёнок» номли зал очдилар.

Ҳозир мактаб ўқувчилари ҳам фақат пул ҳақида ўйлайди. Кампирларни йўлдан пулга ўтказиб қўйишади. Битта кампир юз рубл берган экан, қайтим бермаслик учун кўчада уёқдан-буёққа тўрт марта ўтказишибди ва аввалги жойида қолдириб кетишибди. Устига устак, кампир уларга раҳмат ҳам айтибди. Чунки энди у дўконга бормаидиган бўлибди, бошқа пули йўқ экан.

Одамлар мослашяпти — ҳозир ҳамма сотади, ким колбаса, ким унитаз, ким самогон аппарати. Бир кампир қутчада нимадир сотаётган экан. Қути ичига қараб кўзларимга ишонмадим: бургалар!

— Сенинг бургаларинг кимга керак? — деб сўрадим.

— Балки бирортаси олар, ҳукуматимизга берар, улар сира қашинмаяпти.

Айтишларича, бир одам Поляга трусисида ўн грамм радиоактив уран олиб ўтибди.

— Нима, жинни бўлдингми? — дейишибди унга. — Энди ҳеч қачон фарзанд кўрмайсан.

— Э, ўлиб кетмайдими, лекин невараларим бир умрга таъминланади, — жавоб берибди у.

Мослашяпти. Ана, бир профессор, филолог, қашшоқ эди. Ҳозир мослашди. Янги бизнесменларга «топ» рақси қойдалари бўйича дарс берапти. Бизнинг бизнесменларимиз зўр дипломатия қойдаларини ўрганиб олишган. Тўғри, биттаси дипломатик қабулда шундай савол бермоқда: агар деразага янги парда осиглиқ бўлса, дастурхонга бурун артиш мумкинми?..

Қолганлари туғма лордлар. Овқатланаётганда салфетка туғаб қолса, хонимларнинг қўлини ўпа бошладилар.

Бир кампир бор эди. Уйда аппаратурадан фақат электр ҳисоблагич, мебелдан — плинтус, кўчмас мулкдан шол чоли. Ўзининг буйраги касал. Ўша кампиршо нимани ўйлаб топибди денг. Чолининг анализини армияга чақирилувчиларга сота бошлади.

Илгари ҳам қаллоблар бўларди. Масалан, қаймоққа қатик аралаштирдилар. Лекин ҳозиргилари!.. Қаранг-а, Панама давлатига иссиқ адёл сотишибди. Панамаликлар ҳанузгача иссиқ адёл нима учун кераклигини тушунишмайди. Мамлакатида ҳатто қишда ҳам товуқлар пишган тухум туғадиган жазирама бўлса.

Бошқа бизнесменнинг қилган иши эса худди қангомага ўхшайди: У Зимбабвега ўн тонна қора туфли мойи сотибди. Маркаси Африка тонал креми эмиш, ҳалиги, юзга сурадиган!

Хуллас, ҳукумат нима қилмасин, биз барибир яшаймиз. Яшаймиз! Баъзи жойларда ҳатто гуллаб-яшнапмиз ҳам!

Рус тилидан Ориф ФАРМОН таржимаси

99 роқ гаплар

- Чой кўймай кўверинг. (Мехмоннинг гапи)
- Мен калла билан ишлайман. (Сартарошнинг мактаниши)
- Жамоа бўлиб яшашнинг фойдаси катта. Бугун сенда бўлмаса, ошнангга бўлади. (Алкаш)
- Юзинг борми?
- Йўқ, икки юзим бор. (Пул ҳақида)
- Э, унинг китобларини кўрмабсан. Жуда чиройли: сарик, кўк, қизил, қора... (Сухбат)
- «Ёлғиз эркак, эллик ёшда. Бозорда олди-сотди қиламан. Чаён, Тарози билан турмуш қурмоқчиман». (Эълон)
- Уни шу юк машинаси одам қилди. (Эътироф)
- Ёшим олтмишда. Агар ёшига уйлансам, ёш оила ҳисобланиб, кредит олсам бўладими? (Телемулоқотга тушган савол)
- «Мен чаламан» десам, у «йўқ мен чаламан» деди. (Созанданинг нолиши)
- Афандим, пора ҳақида шеър ёзгандим. Қандай яқунласам экан-а?... Қалбимни тилкалади, юз бўлак қилди пора... (Шу пора зормандадан)
- Келиб қолсайди зора.

Аския лугат

- Парабола — бир жуфт бола.
- Сотовой телефон — сотиладиган телефон.
- Мастона — маст она.
- Мамажон — онажон.
- Радикал — қал учун.
- Аскорбиновая кислота — ҳақорат кислотаси.
- Граммзапис — грам ёзиш.
- Филолог — фил олувчи.
- Господа — давлат подаси.

— Шунча йил нонимни еб, кўрсатган кароматини қаранг!
— Нимага сизнинг нонингизни ейди?
— Нонвойман-да.

Ориф ФАРМОН



Рассом Хусан СОДИКОВ



ЗОРГЕ

ҲАҚИДАГИ УЙДИРМА ВА ҲАҚИҚАТ

хукмрон доираларига «таъсир этиш агенти» Зоргенинг яқин дўсти ва сафдоши Ходзуми Одзаки эди. Одзаки насабли оила фарзанди бўлмаса-да, талай талабалари япон раҳбарияти таркибига кирган Токионинг нуфузли гимназияларида таҳсил олган. Корпоратив алоқалари Одзанинг разведкачилик фаолиятида қўл келди. Зорге бевосита япон хукмрон доираларидан ҳам (Одзаки ёрдамида), Германиянинг Токиодаги элчихонасидан ҳам 1941 йил 2 июнда ўтган кенгаш ҳақида ишончли маълумот олди. 1941 йилнинг 2 июли

«РАМЗАЙ» ХАБАР ҚИЛАДИ...

«Зорге ҳаёти телба-тескари тафсилотлар билан тўлиб-тошган. Бинобарин, унинг шахс сифатида турли манбаларда турлича намоён бўлиши табиий», — деб ёзади америкалик ҳарбий тарихчи Гордон Пранон. Масалан, «Шпигел» журнали 1951 йилда эълон қилган туркум мақолаларида уни ўқувчиларига оғзидан боди кириб шоди чиқади-ган маст-аласт, учига чиққан хотинбоз, қўлидан ҳеч иш келмаса-да, ўзини жиддий журналистдай кўрсатадиган кимса сифатида таништиради. Бунинг акси ўларок, унинг шахси совет матбуотида 1964 йили покдомон, фидойи, мохир журналист, донишманд киши сифатида талқин этилади.

Шуни айтиш жоизки, ҳар иккала ёндошувда ҳам муайян ҳақиқат бор.

Зоргега ўхшаганларнинг шахсияти ҳаммиша тарих юзасида қалқиб туради, улар ҳақида турли афсона ва ривоятлар тўқилади. Гоҳ у 1941 йили СССРни ёлғиз ўзи фалокатдан қутқазган, гоҳ Учлик иттифоқини жипслаштирган, гоҳ японлар уни қатл этмай, Совет Иттифоқига топширган бўлади. Фақат валломат кишиларгина ўлимидан кейин ўзидан шундай миш-мишлар, афсонавий гаплар қолдириши мумкин.

ТЕЛЕГРАММА ВХ.№ 164381

Тожко Россия И.ч. 37 н. 29 декабря 1940, Москва 15 ч. 20 мин. 29 декабря 1940.

Тожко, 28 декабря 1940 г.

В настоящее время немцы на востоке восточных границ, исключая Румынию, имеют 90 дневной с целью воздействия на политику СССР.

Как говорят немцы, прибывающие из Германии в Японию, немцы смогут оккупировать территорию СССР по линии Харьков-Москва-Ленинград.

РАМЗАЙ

Шунга қарамасдан, 1940 йили Германия, Япония, Италия ҳамкорликда Европа ва Шарқий Осиёда «янги тартиб» ўрнатишга қаратилган ҳарбий ҳаракатларни мувофиқлаштиришга доир уч томонлама шартнома тузишди. Мазкур шартнома Совет Иттифоқига фарб ва шарқдан зарба бериш хавфини туғдирарди. Гитлернинг Совет Иттифоқига ҳужумидан кейин масала кун тартибига бошқача тарзда қўйилди: Япония Узоқ Шарқда Совет Иттифоқига қарши «иккинчи фронт» очиб, Германия олдидаги иттифоқчилик мажбуриятини бажарадими?

1941 йилнинг иккинчи ярмида япон хукмрон доиралари ўртасида Япония агрессиясининг кимга қаратилиши борасида баҳслар кетаётгани учун бу саволга жавоб бериш мушкул эди.

да юборган шифрограммасида ёзади: «Манба Инвест (Одзаки)-нинг айтишича, император иштирок этган кенгашда Сайгон (Хиндохитой)га қарши ҳаракат режасини ўзгартирмасликка, айна пайтда қизил армия мағлубиятга учрайдиган бўлса, СССРга қарши ҳаракатлар режасини тузишга келишиб олинган. Германия элчиси ҳам шу фикрни тасдиқламоқда — немислар Свердловски ишғол қиладиган бўлса, Япония урушга кирармиш».

Мазкур шифрограммага ГРУ раҳбари илк бор «манбанинг катта имкониятларга эга эканлиги, юборган хабарларининг кўпчилиги ҳаққонийлигини инobatга олиб, бу хабарга ишонса бўлади» деб резолюция қўйган. Бу Зорге хизматларининг ҳарбий разведка раҳбарияти томонидан биринчи бор эътироф этилиши дейиш мумкин.

Янги қўшинларнинг алал-оқибат қайси йўналиш бўйича ҳаракатланиши барибир сир бўлиб қолаверди. Япониянинг бу борадаги нуқтаи назари 1941 йил 6 сентябрда император иштирокида ўтган кенгашда узил-кесил аниқлаб олинди.

Бу орада, 1941 йилнинг ёзига келиб, немисларнинг голибона юриши барбод бўлган, Япония энди омадини жанубий йўналишда синаб кўрмоқчи бўлганди. 1941 йил 4 декабрда йўлланган туркум шифрограммаларида Зорге Совет Иттифоқи учун ўта муҳим бўлган ушбу қарор ҳақида хабар қилади. Уша шифрограммалардан парча: «Манба Инвест маълумотларига қараганда, жорий йилда Япония СССРга қарши урушмасликка қарор қилди, лекин нима бўлишидан қатъи назар, СССР мағлубиятга учрайдиган бўлса, келгуси йил баҳорда ҳужумга ўтиш учун қуролли кучлар МИГ (Манчжо)да қолдирилади. Инвест 15 сентябрдан кейин СССР япон хуружидан мутлақо холи бўлади демоқда. АҚШ билан музокара берк қўчага кириб қолса, японлар яқин орада жанубда ҳужум бошлашди».

Япониянинг жанубга юриши мавзуси Зорге 1941 йил 3 октябрда йўллаган шифрограммада нисбатан аниқроқ баён этилган. «АҚШ октябр ўрталаригача реал муроасага келмаса, Япония аввал Тай, кейин Сингапур, Малайзия, Суматрага ҳужум қиладди». Милитаристик Япониянинг фашистлар тарафида туриб иккинчи жаҳон урушига кириши мана шу тарзда фoш этилганди. Тўғри, японлар Совет Иттифоқига эмас, АҚШ ва Англияга қарши урушмоқчи бўлган.

(Давоми бор)

«Совершенно секретно» журнали ҳамда интернет хабарлари асосида Р.МУҲАММАДИЕВ тайёрлади

ҲАММА ГАПДАН БОҲАБАР РАЗВЕДКАЧИ

1964 йили СССРда Зорге номи йўқликдан юзага қалқиб чиқиб, Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонини олганда, уни социализм учун хизмат қилган жасур разведкачи тимсолига айлантормоқчи бўлишди. Ушанда айрим совет тадқиқотчиларига унинг разведкачилик ютуқлари камдек туюлганди. Зоргенинг жасоратига алоҳида уруғ бериш учун улар хануз оғзидан-оғизга кўчиб юрган иккита афсонани тўқиб чиқаришди.

Биринчи афсона. Зорге Германиянинг Совет Иттифоқига ҳужум қилишини хабар қилиб қолмай, бу ҳужумнинг қачон амалга оширилишини ҳам айтган эмиш. Аслини олиб қараганда, Зоргенинг бугун ошкор этилган шифрограммаларида бунақа маълумот учрамайди. 1941 йилнинг 15 июнида юборилган шифрограммада ҳам бу ҳақда ҳеч қандай гап йўқ. Ҳолбуки, айрим тадқиқотчилар ҳали ҳужжат эълон қилинмасданок, шов-шув кўтара бошлаганди. Бундан ташқари, Зорге ҳам, гуруҳ радиости Макс Клаузен ҳам тергов жараёнида бу ҳақда лом-мим дейишмаган.

Германия СССРга ҳужум қилишга тайёргарлик кўраётгани ҳақидаги биринчи хабарни Зорге Москвага 1940 йилнинг 28 декабрида, яъни Гитлер «Барбаросса» режасига имзо чекишидан ўн кун кейинок юборган. Москвадагилар мазкур хабарга ишонмаган: Молотовнинг Берлинга ташрифига бор-йўғи бир ой бўлган, совет томони СССРнинг Учлик пактига аъзо бўлиш имкониятларини чамалаб кўраётган эди.

1941 йилнинг 2 май куни Германиянинг Токиодаги элчиси Отто Ойген билан бўлган суҳбатга асосланиб, Германиянинг ҳужум қилиши аниқ бўлиб қолганини Зорге зудлик билан Москвага етказди.

Ниҳоят, 1941 йилнинг 30 май ҳамда 1 июн кунлари юборилган иккита шифрограмма билан Зорге Германиянинг Совет Иттифоқига ҳужум қилиш режасини фoш этишга нуқта қўйди. Биринчи шифрограммада у ҳужум «июн ойининг иккинчи ярмида» амалга оширилишини хабар қилди. Иккинчи шифрограмма орқали Зорге Москвадагиларни кучли зарба «Германия армиясининг чап қаноти»дан берилажағидан оғохлантирди. Мазкур маълумотларни Зорге 1941 йил май ойида Берлиндан Токиога келган, барча гапдан боҳабар иккита герман ҳарбийларидан олган эди. Ҳарбийларнинг биринчиси ВБК (Вермахт бирлашган қўшини) штаб бошлиғи генерал-фелдмаршал Каттел ҳузуридаги махсус топшириқлар бўйича офицер Оскар фон Нидермайер эди. Нидермайер Японияга Германия билан биргаликда СССРга зарба бериш имкониятларини ўрганиш учун юборилганди. Иккинчи ҳарбий Германиянинг Токиодаги ҳарбий атташеси Фридрих Шол бўлиб, у янги ишга тайинланган, эрта-индин Бангкокка жўнаб кетиши керак эди.

Афсуски, ҳар икки шифрограмма разведка бошқармаси томонидан немислар тарқатган ёлғон информация тарикасида баҳоланиб, совет раҳбариятига етказилмади.

Қўшинларни жойлаштиришда йўл қўйилган хатоларга доир шифрограмма разведка бошқармасидагиларни, айниқса, ранжитди. Оқибат шу бўлдики, иккинчи шифрограммага «радиостинг шубҳали ва хато информациялари рўйхатига киритилсин» деган резолюция қўйилди. Зорге юборган хабарга ГРУ (Разведка бoш бошқармаси) томонидан бундай совуқ муносабат Сталиннинг Японияда «Рамзай» тахаллуси билан Зорге фаолият юритаётганини билиши, дохийнинг



Зорге ҳақида япон кино ижодкорлари суратга олган филмдан лавҳа. уни шахсан ёқтирмагани билан изоҳланади.

ДОНФИ ЧИҚҚАН ЁЛҒИЗ ОТ

Зорге 1941 йилнинг кузида Москванинг ёлғиз халоскори бўлган деган миш-мишлар ҳам юради. Мазкур чўпчакнинг сирасорига етиш анча мушкул. Зоргенинг Япониянинг 1942 йил баҳоригача СССРга ҳужум қилмаслиги ҳақидаги маълумоти айна ҳақиқат бўлиб, муҳим аҳамиятга

Манжуриядаги Квантун армиясининг шимолга зарба бериши ёки Франция ва Голландиянинг қаровисиз қолган мустамлакалари сари жанубга юриши масаласи кенг муҳокама қилинмоқда эди. Устига устак миллион-миллион мустамлакачи армия жалб этилган, ҳали поёнига етмаган Хитой уруши ҳам масалани янада чигаллаштириб юборганди.

Таъбир жоиз бўлса, оралик қарор бўлмиш биринчи қарор 1941 йилнинг 2 июлида император иштирок этган олий даражадаги кенгашда қабул қилинган: «жануб ва шимолда «ягона гарбий» операциялар ўтказиш тактикаси» тасдиқланганди. Мазкур тактикага мувофиқ зарба биратўла ҳам гарбда, ҳам шарқда амалга оширилиши, якуний қарор қабул қилиш эса қаерда қулай вазият юзага келишига қараб қолганди. Муддао — вақтдан ютиш. Совет-герман

фронтда воқеалар ривожини кузатиш кун тартибидан мутлақо олиб ташланмаган бўлса-да, Совет Узоқ Шарқига зарба бериш пайсалга солинарди.

Совет Иттифоқининг япон



Ика Рихардович Зорге
Рамзай
Зорге, Ика Рихард

Навоҳарият: немец
Партияси (отам): 1935 В.К.М
Завода азият: 1919 К.М. Герман
Краткая биография: К.М. 1935. ушиси В.К.М
В.К.М. 1935. ушиси В.К.М
и Верситет. наботай: 1935. ушиси В.К.М

молик эди. СССР 1939 йилнинг сентябр ойида Германия билан ҳужум қилмаслик, 1941 йилнинг апрелида эса Япония билан бетарафлик ҳақидаги шартномага имзо чеккан эди.



Beijing 2008

Спортчилар билан учрашув

Фаргона Олимпия захиралари спорт коллежида бўлиб ўтган учрашув ҳам йирилганларда катта таассурот қолдирди. Унда спортчилар, мураббийлар ҳамда коллеж ўқувчилари қатнашдилар.

Жаҳон ареналарида мамлакатимиз байроғини сарбаланд кўтариб, зафар кучаётган ёшларимиз кундан кун кўпайиб бормоқда. Фаргона вилояти ҳам бундан мустасно эмас. Сўнги йилларда вилоят спортчиларидан саккиз нафари жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритгани, 20 нафар спортчи Олимпиада ўйинларида иштирок этгани шундан далолат беради.

Боксчилар Дилшод Махмудов, Элшод Расулов, Рафиқ Султонов, велосипедчи Сергей Лагутин, таэквандочи Акмал Эргашев иштирок этган учрашувда мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолотига қаратилаётган эътибор, нуфузли мусобақаларда

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашган спортчиларимиз иштирокида жойларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

эришилаётган улкан ютуқлар хусусида сўз юритилди. Олимпиада иштирокчилари ёш издошлари саволларига батафсил жавоб қайтаришди.

— Биз ёшларга берилаётган улкан эътибор ва ғамхурликдан чексиз миннатдоримиз, — дейди Олимпиада қатнашчиси Элшод Расулов. — Сафимиз истеъдодли, кучли ва эпчил ёшларимиз, ука-сингилларимиз ҳисобига янада кенгайтишига ишонамиз.

— Юртимизда спортга эътибор жуда ҳам катта, — дейди Фаргона Олимпиада захиралари спорт коллежи 2-чи курс талабаси, эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Мухриддин Мухаммадалиев. — Бугунги Олимпиада иштирокчилари билан учрашув бизнинг қизиқиш ва иштиёқимизни янада оширди, янги марралар сари илҳомлантирди. Биз ҳам нуфузли халқаро мусобақаларда юрт байроғини янада баланд кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Мини-футбол

Анъана давом этади — майдонда журналистлар!

Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган 4-анъанавий турнир

Шу йилнинг 19-26 октябрь кунлари «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазибаларни изчил ижро этиш ҳамда журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз футболнинг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари тахририяти соврини учун Республика журналистлари ўртасида ўзбек футболнинг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича 4-анъанавий турнир ўтказилади.

Мазкур мусобақада иштирок этиш истагида бўлган мамлакат оммавий ахборот воситалари ходимлари жамоалари тегишли буюртманомани «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари тахририятига шу йилнинг 15 октябрга қадар етказишлари лозим. Кечиктириб берилган буюртманомаларни қабул қилинмайди.

Буюртномага мазкур ижодий жамоада расман иш бошлаганига камида бир йил тўлган, 21 ёшдан кичик бўлмаган, авваллари мамлакат футбол чемпионати олий ва биринчи лигаларида тўп сурмаган ижодий ходимлар рўйхатга олинади. Буюртномага, шунингдек, ижодий ходимнинг шахсини белгиловчи паспорти ҳамда гувоҳномасининг нусхалари илова сифатида тақдим этилади.

«Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари тахририяти

Япония таркибни эълон қилди

Япония терма жамоаси бош мураббийи Такеши Окада 2010-йилги Жаҳон чемпионати 4-саралаш босқичи доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан бўладиган ўйинга тайёргарлик кўрадиган 26 футболчидан иборат таркибни эълон қилди. Ўйин 15 октябрь кuni Сайтамадаги «Урава Редс»нинг уй ўйингоҳида ўтказилади. Окаданинг рўйхатидан Европада тўп сурувчи учта легионер жой олди — Шунсуке Накамура, Жуничи Ина-

мото ва Макото Хасебе. Франциянинг «Сент-Этьенн» клуби ярим ҳимоячиси

Дайсуке Мацуи дисквалификация туфайли майдонга туша олмайди. Аксинча, Йошито Окубо таркибга қайтарилди.

«Рақиб ҳақида билганим шуки, Ўзбекистон терма жамоасига янги бош мураббий тайинланди. Аммо менинг барча ўй-хаёлим ўзимнинг шогир-



дларим билан боғлиқ», — деди Окада. Бундан ташқари, Япония Футбол Ассоциацияси Сурия терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилиши ҳақида ҳам маълум қилди. Ушбу баҳс 13 ноябр кuni Кобеда бўлиб ўтиши режалаштирилган.

«Ювентус» Жирков билан қизиқмоқда

ЦСКА ярим ҳимоячиси Юрий Жирков Туриннинг «Ювентус» жамоаси қизиқишлари доирасидан ўрин олди, деб хабар бермоқда Tuttosport. «Бьянконери» мураббийлар штаби россиялик футболчини мавсум сўнгида фаолиятини якунлаши кутилаётган Павел Недведга ўриндош деб билмоқда.



AFC U-16

Сурия ва Корея кейинги боқичда

Ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтаётган Осиё чемпионатининг «В» гуруҳидаги 2-тур учрашувларидан сўнг, кейинги босқичга йўл олган икки терма жамоанинг номи маълум бўлиб улгурди.

ЁШ БОКСЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Бухоро шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида республика турнири якунига етди.

Ёшларни спортга кенг жалб қилиш, истеъдодли спортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган турнирда Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридан 170 дан зиёд спортчи ўзаро баҳс олиб боришди.

Тўрт кун давом этган ва ўзига хос маҳорат кўригига айланган турнирнинг мurosасиз учрашувларида пешқадамлик қилган 36 нафар спортчи финалга чиқди. Якунда ўз вазн тоифаларида Бухоро, Навоий, Самарқанд ва қорақалпоғистонлик спортчилар фахрли ўринларни кўлга киритишди.

Тадбир якунида мазкур турнирга келгуси йилдан қўшни давлатлар спортчиларини ҳам таклиф этиш мўлжалланмоқда.



Қатарда байрам, Ироқда аксинча...

Швейцария спорт арбитраж суди (CAS) Ироқнинг март ойида Қатар терма жамоаси билан бўлган 2010-йилги Жаҳон чемпионати саралаш учрашувининг натижасига (0:2) берган апелляцияси мамлакат Футбол Ассоциацияси томонидан бундай вазиятларда ФИФАга тўланадиган бадал пулининг кеч амалга оширилганлиги сабабли қондирилмади. Эслатиб ўтамиз, ироқликларнинг фикрига кўра, рақиблар сафида келиб чиқиши бразилиялик бўлган

футболчи Эмерсон тўп сурганлиги туфайли Қатар терма жамоасига техник мағлубият ёзилиши зарур. Гап шундаки, Эмерсон аввал ўз мамлакатининг ёшлар терма жамоаси таркибида ўйнаган ва Қатар байроғи остида тўп суришга ҳаққи йўқ.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда Қатар терма жамоаси ҳал қилувчи саралаш босқичининг «А» гуруҳида пешқадамлик қилмоқда. Ироқ терма жамоаси эса 3-саралаш босқичидаёқ мундиал йўлидаги курашни якунлашга мажбур бўлган.

Испанияга таклиф

2008 йилги Европа чемпионлари Испания терма жамоаси Чили терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказилади, деб хабар бермоқда Association Press. Ўйин 19 ноябр кuni Вильярреал клуби уй аренаси «Эл Мадригал» стадионида бўлиб ўтади. Таъкидлаш лозимки, бутун тарих давомида Испания ва Чили терма жамоалари ўзаро олти маротаба куч синашганлар. Сўнги ўйин 1993 йилнинг сентябр ойида бўлиб ўтган. Беш ўйинда испанлар галаба қозongan бўлсалар, бир учрашув дуранг натижа билан якунланган.

Нарзулла МАҲАМОВ тайёрлади

Хавотирга ўрин йўқ

Россия Куролли кучларида хизмат қилувчилар сони 2012 йилгача 1 миллион кишигача қисқартирилади. «Новости» агентлигининг хабар беришича, бу ҳақда Россия мудофаа вазири Анатолий Сердюков маълум қилган.

Ҳозирги вақтда армия сафида 1 млн. 200 минг киши хизмат қилади. Шундан 450 минг нафари офицерлардир. 2012 йилга келиб уларнинг сони 150 мингга тенг бўлади. Вазирнинг таъкидлашича, ватан ҳимоячиларининг хавотирланишларига ўрин йўқ. Бунга хизмат муддатини ўтаб бўлган офицерларни мунтазам равишда ишдан бўшатиб бориш орқали эришилади.



Кутилган... фожиа

Мисрда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи Искандария шаҳрида тўрт қаватли турар-жой биноси қулаб тушди. Оқибатда 11 киши ҳалок бўлди. Қутқарувчилар хароба остида қолган 35 кишини кутқаришди, уларнинг 10 нафари турли даражада жароҳатланган.

Хабарларга қараганда қулаб тушган уй анча вақтдан бери таъмирталаб аҳволда бўлган.

Бултур декабр ойида ҳам Искандарияда ўн икки қаватли уй қулаб тушиб, 35 киши ҳалок бўлган эди. 2005 йили эса олти қаватли уй қулаб, 19 кишининг умрига зомин бўлган.



«Yahoo!» программисти ҳибсда

Ҳиндистоннинг жанубида яшовчи, «Yahoo!»да ишловчи программист Муҳаммад Мансур Пирбўй ҳинд мужоҳидлари террорчилик ташкилотининг электрон хатларини тарқатишда гумон қилиниб ҳибсга олинди. Ушбу хатларда террорчилар мамлакатнинг учта шаҳрида содир этилган портлашлар учун жавобгарликни зиммасига олган. Ушанда 120 киши қурбон бўлган эди.

Пирбўйдан ташқари 14 киши Мумбайда содир этилиши режалаштирилган портлашларга алоқадорликда гумон қилиниб ушланган.

Пирбўйнинг оиласи у мусулмонларни ёмонотлиқ қилиш мақсадида уюштирилган ёлгон айбловлар асосида ҳибсга олинганини таъкидлапти. «Yahoo!» вакиллари эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишларини билдиришган.



Америкалик пенсионерлар иккиланишяпти

Америка пенсия жамғармалари охириги 15 ой мобайнида 2 триллион доллар маблағини йўқотган, бу уларнинг умумий қийматининг 20 фоизини ташкил қилади. Сешанба куни АҚШ конгрессининг молиявий таҳлилчилари шундай баёнот билан чиқишди. Уларнинг фикрича, мазкур молиявий инқироз яқин вақт ичида пенсияга чиқишни ният қилган америкаликларнинг режасига салбий таъсир қилиши мумкин.

Америкаликлар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатадики, ёши 45 дан ошган ишчиларнинг ҳар бешинчиси охириги бир йилда пенсия жамғармаларига пул ўтказишни тўхтатган, ҳар тўртинчиси эса иш соатларини кўпайтиришга мажбур бўлган. Сўралганларнинг учдан бир қисми пенсияга чиқиш режасини кейинроққа қолдириш масаласини уйлаб кўришини, ярми эса озиқ-овқат, дори-дармон, бензин харид қилишга қийналаётганини билдирган.

Само сирлари

Америка космик тадқиқотлар агентлиги — NASAнинг «Мессенжер» зонди олтинчи октябр куни тунда Меркурий яқинидан учиб ўтар экан, ушбу сайёранинг суратини олиб Ерга юборди.

Бу зонднинг Меркурийга иккинчи марта яқин бориши. Биринчиси 2008 йил январ ойида юз берган эди. Ҳар икки ҳолатда ҳам у сайёра сатҳидан 200 километрча баланддан учиб ўтган.

Иккинчи яқинлашувдан кўзланган мақсад аппарат траекториясини ўзгартириш бўлган. Шу тариқа у 2011 йили Меркурий орбитасига кириб, унинг сунъий йўлдошига айланади.

2004 йили учирилган мазкур аппарат сайёранинг кимёвий таркибини, геологик тарихини, шунингдек, магнит майдонини ўрганади.

Журналистнинг қотили айбини тан олди

Тожикистон Олий суди Буюкбританиянинг BBC телерадиокорпорацияси форс хизмати бошлиғи, 1995 йили ўлдирилган Муҳиддин Олимпурнинг қотили Насрулла Шарифовни 15 йилга озодликдан маҳрум этди.

Н.Шарифов Тожикистонда 1992 — 1997 йиллари бўлиб ўтган фуқаролар урушида мамлакатнинг ҳозирги президенти Имомали Раҳмон бошчилик қилган Халқ фронтига қарши курашган Бирлашган тожик мухолифатининг дала командири бўлган. Ундан ташқари, қотилликка алоқадор икки киши 2003 йили 15 ва 22 йилга қамалган эди.

Фуқаролар урушида жами 73 нафар журналист ҳалок бўлган.



Қисқа сатрларда

Кеча Швеция фанлар академиясида кимё соҳасида

2008 йилги Нобел мукофоти лауреатлари номи эълон қилинди. Яшил флуоресцент оксилнинг турли шакллари яратганлиги ва ишлаб чиққанлиги учун америкалик Осаму Симомура, Мартин Чалфи ва Рожер Тсиенлар ушбу мукофотга сазовор бўлишди.

Буюкбритания бош вазири Гордон Браун мамлакат молия тизимини инқироздан қутқариш режасини маълум қилди. Ушбу режа доирасида 8 та йирик банкни национализация қилиш кўзда тутилган. Бунинг учун 500 млрд фунт-стерлинг (875 млрд доллар) ажратилади.

Физика соҳасида 2008 йилги Нобел муко-

фотини кўлга киритган япониялик Тосихиде Маскава 10 декабр куни Стокгольмда бўладиган тақдирлаш маросимига боролмаслиги мумкин. Саёҳат қилишни умуман ёқтирмайдиган олимнинг паспорти йўқ экан.

Газ экспорт қилувчи мамлакатларнинг бу йилги форуми ноябр ойининг ўрталарида ўтказилади. Россия ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Андрей Денисовнинг гапига қараганда, ушбу давлатлар яқин орада ОПЕКка ўхшаган ташкилот тузиш ниятида эмас. Таъкидлаш жоизки, 2007 йили Эрон шундай таклиф билан чиққан эди.

2008 йили Покистон ўткир молиявий инқирозга дуч келди.

Мамлакатнинг олтин-валюта захиралари 67 фоизга қисқарди. Миллий валюта — рупиянинг курси 27 фоиз пасайди. Миллий банк президенти Саид Али Ризонинг гапига қараганда вазиятни ўнглаш учун 18 ойга 8-10 млрд. доллар миқдоридан маблағ керак. Покистон ушбу пулни АҚШдан қарзга олмоқчи, беришса албатта.

Интернет хабарлари асосида Жавдатбек ШАВКАТ ўгли тайёрлади



СИЗДАН...

ИЗОНИ



Кўп билишни истасанг,
Ўқиш керак китобни.
Ҳамма ҳам тушунмайди,
Сермаъно бу хитобни.

Шошиб топиб ўқийман,
Китобнинг зўр ерини.
Ёзган бўлса ажабмас,
Мен ва қочқоқ «Жерри»ни.

Сичқонларнинг ҳаётин,
Ўқийман, ўрганаман.
Сўнгра емиш изламай,
Доимо тўқ юраман.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бир-
лашган касаба уюшмалари
қўмитасининг раиси

Нега мени қамади,
Хўжайин хонасига!
Наҳот сичқонлар бўлса,
Китоблар орасида.

Нурзод РАЖАБОВ,
Ҳамза тумани

Не етсин китоб ўқиб
Ва ёнбошлаб пойлашга.
Бундан яхши жой йўқдир,
Сичқонларни овлашга.

Фарход ПИРМАНОВ,
Булунгур тумани



Рўқнимизнинг сентябр ойи
ғолиби деб муҳлисими?
Асадулло Мирзаакбаров
ғолибди.
Йилда нағзадаги ўқув
иттифоқининг...



Телеграфлар тарихидан

1793 йилда семафор алифбосидан фойдаланган ҳолда кўзга кўринадиган хабар етказиш тизимини франциялик Клод Шапп ихтиро қилди. Бир-бирига кўринадиган миноралар занжири орқали хабар етказиш туфайли анча вақт тежаб қолинарди. Биринчи семафор (оптик) телеграф линияси 1794 йилда Париж ва Лилл шаҳарлари орасига ўрнатилди. 1832 йилда Россияда Павел Шиллинг томонидан биринчи электр телеграфи кашф этилди. Электр телеграфлари қурилиши эса XIX асрдан бошланди.

Осмонларни кўзлаган чўққи

Эртақлар ўлкаси ҳисобланмиш Ҳиндистон бундан тахминан 45 млн. йиллар олдин алоҳида қитъа бўлган. Уни Осиёдан Тетис номли кенг океан ажратиб турган. Ҳиндистон жойлашган қуруқлик бўлаги аста-секинлик билан шимол томонга силжий бошлаган ва ниҳоят Осиё қитъасига суқилиб кирган. Шундай қилиб улкан Ҳимолай осмонга қадар 8 километр кўтарилган, натижада дунёдаги энг юқори чўққи — Жомолунгма вужудга келган.




«Олтин-кумуш тош бўлур...»

Турли жинслар орасидан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш ўзига хос бир мўъжиза. Бугунги кунда кон саноатининг сўнги ютуқларидан фойдаланган ҳолда қимматбаҳо маъданлар ажратиб олинмоқда. Шу ўринда савол туғилиш мумкин: инсоният қачондан бошлаб металллар сирини кашф этди? Аждодларимиз табиий равишда ҳосил бўлган олтин ва кумушдан 7000 йил аввал фойдаланганлар. Кейинчалик маъданни қиздириб металл олиш ва уни турли шаклларга келтириш мумкинлигини кашф этишди. Мисрликлар 5500 йил илгари мисни кашф қилишган. 5000 йил аввал мис ва қалай бирикмасидан бронза олиш сирини англашди. 3000 йил олдин эса инсоният ҳаётдан темир метали кенг ўрин ола бошлади.

Чанғи: Жанг қуролими ёки спорт воситаси?..

Чанғи, умуман бу спорт тури қачондан бошлаб оммалашгани ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Швеция ҳудудидан 4500 йил муқаддам ихтиро қилинган чанғи топилди. Бу воситадан ўн учинчи аср бошларида норвеглар ҳам фойдаланишган. Фақат... урушлар вақтида! Чанғида учиб бўйича биринчи спорт мусобақаси эса Австралиянинг қалин қор билан қопланган тоғларида ўтказилди. Бу ҳодиса тарих саҳифаларига 1850 йил рақамлари остида муҳрланди.



Мунажжид башорати

- КУН** Асосий вақтинги спорт-соғломлаштириш ишларида сарфлайсиз. Машиий техника воситаларини тузатиш ва ўйдаги таъмирлаш ишларини олиб боришда суст бўлманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстлар даврасида кўнгили дам оласиз. Оила аъзоларингиз билан муносабатда бағрикенг бўлинг.
- БҲУЗОК** Катта молиявий келишувлар, пул-маблаг билан боғлиқ режалар, кредит маблағлари олмаганингиз маъқул. Чунки уларни тўлашда муаммолар юзга келиб қолши мумкин. Ҳафта давомида дам олишингиз, кўнгилочар давраларда иштирок этишингиз қутилоқда. Таъмирлаш ишларини бу ҳафтада бошламаган маъқул.
- ЭГИЗАКЛАР** Кўчмас мулк, уй-жойни сугурта қилдириш масалалари самарали ҳал бўлади. Зарур жойларда ҳимоя воситасини ўрнатсангиз, фойдадан холи бўлмайд. Худа-беҳуда сарф-харажатлар оилавий бюджетингизга зарар келтириш мумкин. Ортиқча харажатлардан ўзингизни тийинг.
- КИСКИЧБАКА** Иш юзасидан мулоқотлар ва ижодий сафарлар яхши натижа беради. Муҳим ҳужжатларни, шартномаларни имзолашга муваффақ бўласиз. Шахсий муносабатларда эса ҳозирча бироз танаффус қилиб турганингиз маъқул. Чунки яқин кишингиз билан зиддиятларга бориб қолшингиз мумкин.
- АРСЛОН** Кўпроқ соғлигингизга эътибор қаратинг. Ишдаги ортиқча зўриқиш ва асабийлашишлар соғлигингизга таъсир қилиб, кайфиятингизни бузади. Яхши соғлигингизга кўпроқ эътибор қаратиш учун кўпроқ мева ва шартлар истеъмол қилинг. Дўстлар билан кўнгилочар учрашувлар кайфиятингизни кўтарди.
- ПАРИЗОД** Муҳаббат бобида омадингиз келади. Агар дўстлик билан севгини фарқлай олсангиз оила ришталари боғланиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида иш жойингизда анчадан буён ўйлаб юрган режаларингиз амалга ошади. Яъни, хизмат пиллапоясидан кўтариласиз.
- ТАРОЗИ** Соғлигингиз ўзига эътибор талаб қилапти. Жисмоний тарбия машқлари билан бирга сув муолажаларини ҳам қабул қилинг. Илм-фан борасида изланиш олиб бораётган ҳафта давомида зарур маълумотларни тоқадилар. Бу иккунини ишнинг олга силкишига ёрдам беради.
- ЧАЕН** Анчадан буён кўришмаган қадрдон ва дўстларингиз билан тасодифий учрашув руҳиятингизга кўтаринкилик бахш этади. Кўплаб янги маълумотлар ва хўшхабарларни эшитасиз. Таваккал ўйинлар, қимор ўйнашдан тийилинг. Ташқи кўришингизга эътибор қаратинг. Рўзгор ва уй жиҳозлари сотиб олиш учун қулай вақт.
- УКОТАР** Иш жойингизда маошингиз олиши қутилоқда. Кредит, қарз олиш каби масалаларни кейинги ҳафтага қолдиринг. Акс ҳолда алданиб қолшингиз мумкин. Фарзандларингизни таътил кунлари мазмунли ўтиши ҳам сизга боғлиқ.
- ТОҒ ЭЧКИСИ** Олдиндаги катта синов ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиш учун барча диққат-эътиборни ўқиш ва изланишга қаратинг. Зарарли одатларни тарк этишни маслаҳат берамиз. Ҳамкорлар билан ишлашда ҳаққонийлик ва самимийлик доимо қўл келади. Ортиқча вазни бартараф этиш учун парҳез тузганингиз маъқул.
- КОВГА** Ҳеч бир ишда таваккал қилманг. Бу ҳақат режаларингизни барбод бўлишига эмас, балки соғлигингизга ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Моддий масалаларда тежамкорлик ҳар доим зарур бўлади. Фақат яхши томондан ўзингизни намоён қилинг. Шундагина тақдир сизга қулиб боқди.
- БАЛИК** Ўйламасдан қилган хатти-ҳаракатингиз қайғули оқибатларга олиб келади. Ундан эҳтиёт бўлиш учун мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ўзингизни тўлиқ сафарбар этинг. Ота-онангиз ва яқинларингизни зиёрат қилишни унутманг. Дам олиш кунларини яқинларингиз даврасида ўтказинг.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ Тахрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Бизга кўнғирок қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. E-mail: ishonch-doverie@mail.ru	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (P) белгиси остида чоп этилади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - Н.Маҳамов Мусаҳҳих - Ш.Абдусаматов Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов Буюртма Г-914 Тиражи: 10671 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширишда - 22.30 Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8
	Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширишда - 22.30				